

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

“Ҳимояга тавсия этилди”

**“Иқтисодиёт” кафедраси
мулдир, доцент в.б.**

_____ **Ш.А.Султонов**

**“Иқтисодиёт” кафедраси мажлиси
баённомаси № __ 2014 йил “__” __**

**“Иқтисодиёт” таълим йўналиши
Ик-110 гуруҳ талабаси Фаррух Ҳамдамовнинг**

**“ТАЙЛОҚ ТУМАНИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ
КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ”**

МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Иш раҳбари: профессор
Б.А.Абдукаримов**

САМАРҚАНД – 2014

МУНДАРИЖА

	Кириш	3-4
I БОБ.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида меҳнатни ташкил қилишнинг моҳияти ва аҳамияти	5-29
1.1.	Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти	5-12
1.2.	Хизмат кўрсатиш соҳасида, меҳнат, меҳнат ресурсларининг моҳияти ва меҳнатни ташкил қилишнинг объектив зарурияти	12-17
1.3.	Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил этиш билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими	17-29
II БОБ.	Тайлоқ туманида хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатни ташкил этиш ҳолатининг таҳлили.	30-43
2.1.	Тайлоқ туманининг ижтимоий-иқтисодий тавсифи	30-38
2.2.	Тайлоқ туманида хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида меҳнат ресурслари ҳолати таҳлили	38-43
III БОБ.	Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари	
3.1.	Хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш йўллари	44-49
3.2.	Хизмат кўрсатиш корхоналарида маънавий рағбатлантиришни ташкил қилишни муаммолари ва ечимлари	49-54
3.3.	Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари	55-60
	Хулоса ва таклифлар	60-
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хизмат кўрсатиш тармоқлари жадал ривожланиб, уларнинг миллий иқтисодиётдаги, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашдаги, янги иш ўринларини яратишдаги ҳамда аҳолининг турмуш даражасини ва сифатини оширишдаги ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги роли тобора ортиб бормоқда.

Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта роль ўйнамоқда. ... 2013 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди¹.

Хизмат кўрсатиш соҳаси энг аввало, янги иш ўринларини очиш эвазига халқ фаровонлигини оширишга, хизмат турларини кўпайтириш орқали мамлакатнинг хизмат бозорини тўлдиришга, катта даромад олиш эвазига бир қисмини солиқ тариқасида тўлаш йўли билан Давлат бюджетининг даромадини кўпайтиришга олиб келиш билан белгиланади. Бундай муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш учун хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилиш ва узлуксиз такомиллаштириш лозим бўлади.

Хизмат кўрсатиш фаолияти мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Ушбу жараён корхона ходимларини ва ресурсларини самарали бошқариш, хизмат кўрсатиш стандартларига риоя қилиш, кўрсатилаётган хизматларнинг истъемолчилар талабларига мос келиши орқали таъминланади. Бу эса хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришни зарурлиги битирув малакавий иш мавзусининг долзарблигини белгилайди.

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат муносабатлари, иш билан бандлик, меҳнат фаолиятини ташкил этиш муаммоларига мамлакатимиз етакчи иқтисодчи олимларидан Абдукаримов Б.А., Абдурахмонов Қ.Х., Пардаев М.Қ., Рахимова Н.Х., Убайдуллаева Р.А., Хасанов Н.Х., Холмўминов Ш.Р.² кабиларнинг илмий ишлари бағишланган.

Битирув малакавий ишнинг мақсади – мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилишнинг назарий асосларини ёритиш, таҳлил этиш ва такомиллаштириш бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётнинг ривожланишидаги ролини ёритиб бериш;
- хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш;
- Тайлоқ туманидаги хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат ресурслари ва улардан самарали фойдаланишнинг ҳолатларини таҳлил қилиш;
- хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилишда уларни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш йўллари аниқлаш;

Битирув малакавий ишнинг объекти. Тайлоқ туманида фаолият кўрсатаётган хизмат кўрсатиш корхоналари ҳисобланади.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий ишг кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

²Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик – Т.: Фан, 2005. -288 б.; Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт), дарслик, Т.: “Меҳнат”, 2009. -Б. 512.; Абдурахмонов Қ.Х. Холмўминов Ш.Р. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси (ўқув қўлланма). -Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти”, 2004.-207 б.; Зокирова Н., Абдурахмонов О. Инкироз. Оқибатлар, бартараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги шароитларига чиқиш.-Т.: “Фан ва технология”, 2009. –Б. 172.; Рахимова Н.Х. ва бошқалар. Меҳнатни муҳофаза қилиш. - Т.: “Ўзбекистон”, 2003. - 209 б.; Убайдуллаева Р.А. и др. Узбекистан: Структурные преобразования в экономике и занятость женщин. - Т.: Меҳнат, 1996. - 395 б.; Хасанов Н.Х. ва бошқалар. Корхонада иш ҳақи. - Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2003. - 288 б.

I-БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида меҳнатни ташкил қилишнинг моҳияти ва аҳамияти

1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти

Мамлакатимиз мустақилликка эришган пайдан эътиборан амалга оширилаётган ислохатларнинг туб мазмуни миллий иқтисодиётни шакллантиришдан иборат бўлди. Миллий иқтисодиётни шакллантириш — унинг барқарорлигини таъминлашдан бошланди. "...иқтисодиёт барқарор мавжуд бўлган шароитдагина бозорга муваффақиятли ўтиш мумкин. ... Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бу бозорни шакллантириш йўлидаги зарурий ва муқаррар босқичдир".³

Ўзбекистонда замонавий бозор муносабатларига босқичма-босқич (шароитлар яратилиши билан аста-секин), изчиллик ўтиш давомида, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кенг қўллаган ҳолда, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик таъминланиб борилмоқда.

Мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини оширишда миллий иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу республиканинг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиши ва унинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан бевосита аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга кучлироқ таъсир кўрсатади. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда мавжуд бўлган имкониятлар фойдаланилмаган захираларни аниқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш асосида аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга эришиш йўллари топиш иқтисодчи олимлар олдида муҳим вазифалар юклайди.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1 -Т.: Ўзбекистон, 1996, 73 бет.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хизмат кўрсатиш тармоқлари жадал ривожланиб, уларнинг миллий иқтисодиётдаги, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашдаги, янги иш ўринларини яратишдаги ҳамда аҳолининг турмуш даражасини ва сифатини оширишдаги ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги роли тобора ортиб бормокда.

Иқтисодий адабиётларда хизмат тушунчасини ижтимоий-иқтисодий категория сифатида моҳиятини ёритиб беришда турлича ёндашувлар мавжуд.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.М.Муҳаммедов хизмат кўрсатиш соҳасини инсон нуқтаи назаридан қараб, аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандчилигига, умуман ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳа”⁴ деб таъриф берса, Ж.М.Қурбонов хизмат кўрсатиш – бу инсонларнинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан фаолият олиб бориши тушунилади”⁵ деб таъриф келтирган. М.Қ.Пардаев хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнатни ЯИИМни ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан, меҳнат жараёни нуқтаи назаридан, меҳнат эгаси нуқтаи назаридан, мулкдор нуқтаи назаридан, давлат нуқтаи назаридан, жамият нуқтаи назаридан⁶ ўз фикрларини билдирган бўлса, Қ.Ж.Мирзаев хизмат кўрсатиш соҳасини корхоналарнинг даромад олиш нуқтаи назаридан қараб, “хизмат кўрсатиш - инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш субъектларида юзага келадиган, ўз истеъмол эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ва даромад олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуини ифодаловчи фаолият”⁷ деб айтиб ўтган.

⁴ Муҳаммедов М.М. “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала // – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон. 53 б.

⁵ Қурбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис // – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон. 58 б.

⁶ Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография, Т.: “Иқтисод молия”, 2011. 13-16 б.

⁷ Мирзаев Қ.Ж. “Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари” Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2012 й. 49 бет.

Инсоният тарихий тараққиётининг барча босқичларида иқтисодий даврларнинг бир туридан иккинчи турига ўтиши бирон-бир соҳанинг ривожланиши ёки таъсири натижасида содир бўлган. XX асрнинг охиридан бошлаб аҳоли маданий савиясининг ошиши натижасида инсонларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга бўлган талаби ҳам кенгайиб борди. Оқибатда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларининг ошиши иқтисодийни сервислаштириш муаммосининг келиб чиқишига асосий омил бўлди. Пировардида эса, XX асрда иқтисодийга хизмат кўрсатишнинг замонавийлашган шакли сифатида “сервис” тушунчаси кириб келди. Ҳозирги кунга келиб бу тушунча мамлакатимиз ҳаётига тўлиқ тадбиқ этилмоқда.

Шу ўринда сервис сўзи мазмунининг изоҳига тўхталсак. “Сервис инглизча **servise** сўзидан олинган бўлиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш” деган маънони англатади.⁸ Русча - ўзбекча луғатда “**сервис** – сервис (аҳолига хизмат кўрсатиш, хизмат)⁹”, деб кўрсатилган. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриётида “**сервис** – (ингл. **servise** – хизмат) жисмоний ва юридик шахсларга, умуман кенг аҳолига хизмат кўрсатиш”¹⁰, деб таъриф берилган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса, “ингл. **Servise** – хизмат” кундалик турмушнинг хилма-хил соҳаларида – магазин, меҳмонхона, сартарошхона, ёнилғи қуйиш шаҳобчалари ва шу кабиларда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва шундай хизматнинг ўзи”¹¹, деб таъриф берилган. Биз ушбу тушунчага айрим олимларнинг фикрларини келтириб ўтмоқчимиз. Мамлакатимиз олимларидан профессор Ж.М.Қурбонов сервис тушунчасига “Сервис деганда, юқори малакада, замонавий воситалар ёрдамида комплекс хизмат кўрсатиш тушунилади”¹², деб таъриф келтирган бўлса, профессор Б.Абдукаримов “Сервис” хизматларнинг мураккаб меҳнат жараёнидан иборат бўлган, юқори малакали

⁸ Словарь иностранных слов. -16-е из., испр.-М.: Рус яз. 1988 - 461 Б.

⁹ Русча-ўзбекча луғат. 2-том. Т.: 1984. – 410 Б.

¹⁰ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 7-том. Т.: 2004. – 592 б.

¹¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. Т.: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2008. 483 б.

¹² Қурбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис // – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон. 58 б.

ишчиларни талаб қиладиган айрим турларини мужассамлаштирган хизматни илғор туридир. Умуман олганда “Сервис” сўзи инглиз тилидаги “Service” сўзидан олинган бўлиб, “Сервис соҳаси” деганда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш нуқтаи назардан қараш илмий – назарий ва амалий жиҳатдан тўғрироқ бўлади деб ҳисоблаймиз¹³, деб таъкидлайди. Профессор Қ.Ж.Мирзаев эса, “сервис – умумийлик ва уйғунлик тамойилларига бўйсинган ҳолда, у замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳа ва субъектларида инсонларнинг юзага келадиган истеъмол талабларини таъминлаш мақсадида кўрсатиладиган турли хил хизматлар мажмуини ифодаловчи тушунчадир”¹⁴ деб тушунтиради. Иқтисодчи олим Э.С.Файзиев эса “Сервис – бу инсон фаолиятининг алоҳида туридир. У миқдорнинг эҳтиёжларини хизматлар кўрсатиш орқали қондиришга қаратилган. Ушбу эҳтиёжлар алоҳида шахслар, ижтимоий гуруҳлар ёки ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин”¹⁵, деб таъриф берган. Бу таърифда сервис тушунчасига эҳтиёж, фаолият тури ва хизмат кўрсатиш нуқтаи назаридан изоҳ берилган. М.Қ.Пардаев ва И.С.Очиловлар “Сервис деганда инсонларнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган маълум сертификат ва андозаларга эга, сифат жиҳатидан юқори бўлган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади”¹⁶, деб таъриф берганлар. Ушбу таърифда сервис тушунчасига хизматнинг маълум сертификат ва андозаларга эга бўлган, сифат жиҳатидан юқори бўлган тури ва хизмат фаолияти сифатида қаралган. Бундан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимлар М.Қ.Пардаев ва И.С.Очиловларнинг юқорида “хизмат” тушунчасига берган таърифи бўйича, хизмат инсонлар билан бирга

¹³ Абдукаримов Б.А. “Обод турмушни таъминлашда иқтисодиётни ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференция. Самарканд 2013 йил. 20 феврал. 140 б.

¹⁴ Мирзаев Қ.Ж. “Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари” Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2012 й. 25 б.

¹⁵ Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Ўқув қўлланма. Самарканд. “Зарафшон”, 2010. 23 б.

¹⁶ Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография, Т.: “Иқтисод молия”, 2011. 11 б.

корхоналарга, жамиятга, давлатга кўрсатилса, “сервис” асосан аҳолига, одамларга кўрсатиладиган сифатли хизмат ҳисобланар экан. Биз бу фикрга қўшиламыз.

Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта роль ўйнамоқда. ... 2013 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди¹⁷.

Мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартириш бўйича аниқ йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 37,0 фоиздан 2012 йилда 52,0 фоизга ўсди. 2016 йилгача хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 55,0 фоизгача ошириш¹⁸ режалаштирилган.

Ушбу, қарорга мувофиқ, 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида, маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойафзал маиший техника таъмирлаш бўйича усталар ва бошқалар) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 3 йил муддатга, қишлоқ жойлардаги якка тартибда уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда ташкил қилинаётган қирхоналар хизматларини кўрсатадиган микрофирмалар, кичик қирхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўлови ҳамда қатъий белгиланган солиқ тўловини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилиши белгилаб берилган.

Унда, белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари барқарор суръатларда ривожланиб бормоқда. Бу борада мамлакатимизда хизматлар соҳасининг

¹⁷ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йўли бўлади. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда “2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли қарори.

ҳолати хусусида айрим далилларни келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2011-2012 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасидаги таркибий ўзгаришлар(йил бошига)¹⁹

№	Хизмат турлари	2011 йил			2012 йил		
		млрд.сўм.	Ўсиш	Таркиби	млрд.сўм.	Ўсиш	Таркиби
			фоиз	(фоиз)		фоиз	(фоиз)
	Хизматлар, жами	32749,8	115,1	100,00	41083,3	113,2	100,00
	Жумладан:						
1.	Савдо хизматлари	6134,4	120,9	18,73	8607,5	118,6	20,95
2.	Транспорт хизматлари	10547	113,0	32,20	12350,2	104,1	30,06
3.	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	2062,5	128,7	6,30	2630	139,9	6,40
4.	Молия-банк хизматлари	2753,8	119,4	8,41	3507,5	118,6	8,54
5.	Туристик-экскурсия хизматлари	44,7	115,3	0,14	64,1	127,3	0,16
6.	Меҳмонхона хизматлари	97,5	107,8	0,30	112,4	106,5	0,27
7.	Коммунал хизматлар	3852,1	99	11,76	4780,5	99,9	11,64
8.	Маиший хизматлар	561,4	122,8	1,71	534,5	120,9	1,30
9.	Автомобилларни таъмирлаш хизматлари	314,2	124,6	0,96	367,8	118,9	0,90
10.	Бошқалар	6382,2	116,6	19,49	8128,9	118,5	19,79

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда барча турдаги хизматлар ҳажми ўсиб борган. 2012 йилда жами хизматлар ҳажми 41083,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2011 йилга нисбатан 13,2 фоизга ошган. Шунингдек, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳам тахлил қилинаётган йилларда мунтазам ошиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Хизмат кўрсатиш ҳажмида энг салмоқли улуш, транспорт хизматлари (30,06 фоиз)

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 48 бет.

савдо хизматлари (20,95 фоиз) ва бошқа хизматлар (19,79 фоиз)га тўғри келмоқда.

Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ичида савдо соҳасининг ўрни алоҳида. Савдо хизматининг жами хизматлардаги ҳиссаси 2012 йилда 20,95 % ни ташкил этиб, 2011 йилга нисбатан 118,6 % га ўсган бўлса, савдо хизматини ўсиш суръатларини қишлоқ жойларда 2016 йилда 2012 йилга нисбатан 2,0 марта²⁰га, республика бўйича эса 2016 йилда 2011 йилга нисбатан 2,4 марта²¹га ошириш кўзда тутилган.

Хизмат кўрсатиш соҳаси энг аввало, янги ши ўринларини очиш эвазига халқ фаровонлигини оширишга, хизмат турларини кўпайтириш орқали мамлакатнинг хизмат бозорини тўлдиришга, катта даромад олиш эвазига бир қисмини солиқ тариқасида тўлаш йўли билан Давлат бюджетининг даромадини кўпайтиришга олиб келиш билан белгиланади. Бундай муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш учун хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилиш ва узлуксиз такомиллаштириш лозим бўлади.

Хизмат кўрсатиш фаолияти мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Ушбу жараён корхона ходимларини ва ресурсларини самарали бошқариш, хизмат кўрсатиш стандартларига риоя қилиш, кўрсатилаётган хизматларнинг истъемолчилар талабларига мос келиши орқали таъминланади. Бу эса хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришни зарурлигини белгилайди.

Хизмат кўрсатиш корхонаси ишининг самарадорлиги раҳбарнинг тўғри ташкилий-бошқарув фаолиятига боғлиқ бўлади. Ушбу ташкилий бошқарув ўз ичига қуйидагиларни олади:

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрелда “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-1957-сонли қарорининг 1-илоvasи.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда “2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли қарорининг 1-илоvasи.

- корхонанинг хизмат кўрсатиш фаолиятини режалаштириш, бозорни ёки хизматлар ассортиментининг ўзгариши натижасида корхона ривожланишининг истиқболини белгилаш;
- хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни баҳолаш;
- хизматлар ассортименти ва сифат даражасини инобатга олган ҳолда, технологик асбоб-ускуналар таркибини оптималлаштириш;
- истеъмолчилар билан ишлаш учун психологик қобилиятга эга бўлган ходимларни танлаш.

Юқорида келтирилган вазифаларни ҳал этиш иқтисодий эркинлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятларининг самарадорлигини оширишда муҳим восита ва шарт-шароитлар бўлиб ҳисобланади.

1.2. Хизмат кўрсатиш соҳасида, меҳнат, меҳнат ресурсларининг моҳияти ва меҳнатни ташкил қилишнинг объектив зарурияти

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим категориялари бўлган, мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги асосида амалга ошириладиган эркин тадбиркорлик, товар ва хизматлар, талаб ҳамда таклифни ўзаро боғлиқлиги, ресурслар чекланган шароитда товар ва хизматлар қийматини аниқлашдаги ўта фойдалилик, меҳнат нархи ва бошқалар маъмурий-буйруқбозлик тизими замонларидаги меҳнат иқтисодиётига асос қилиб олинган назарий қоидаларни қайта идрок этишни тақозо этмоқда²².

Меҳнат фаолияти жараёнларида одамлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари туфайли юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ташкил этишнинг замонавий назариясини макро ва микродаражада тадқиқ этиш бир томондан республикамизда мулкчилик муносабатларининг ривожланиши бўлса, иккинчи томондан, фан-техника тараққиётининг меҳнат

²² Абдурахмонов.Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт), дарслик, Т.: “Меҳнат”, 2004-Б. 6.

самарадорлигини оширишдаги ва одамларнинг яшаш шароитини яхшилайдиган барча воситаларни ривожланиб бораётганлигидир.

Ҳар бир жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий асосини яратувчи куч бу – меҳнатдир.

Меҳнат – инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондира оладиган ва ўзига керак бўладиган моддий ёки маънавий неъматлар (буюмлар, товар хизмат, фан, маданият, санъат асарлари ва ҳоказолар) ни ишлаб чиқиш бўйича онгли, мақсадли ва легитим (тақиқланмаган) фаолиятдир²³. Шу туфайли меҳнат тушунчасини ўрганиш ҳамиша долзарб бўлиб келган.

Жамиятдаги барча моддий ва маънавий неъматлар, шу жамиятда мавжуд бўлган меҳнат билан яратилган. Меҳнат жамият, табиат ва инсон тафаккурида содир бўладиган жараёнларни такомиллаштириб боради. Демак ҳар қандай тараққиёт замирида меҳнатнинг такомиллашуви ётади. Бироқ, меҳнатнинг характери, унинг инсон ижтимоий тараққиётига таъсири ҳар хил тарихий даврда бир хил бўла олмайди, чунки инсон меҳнати унинг ақл заковати билан бошқарилади, меҳнат қилиш жараёни эса бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади. Кўриниб турибтики, меҳнат муаммоси жуда кенг қамровли, жуда катта тадқиқот кўламини талаб қиладиган муаммодир²⁴.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, умуман меҳнатнинг тушунчасини тадқиқ қилишда бозор иқтисодиёти шароитида, унга асосан мулк эгаси, соҳибкор нуқтаи назаридан ёндашиш лозим. Аммо ҳар қандай соҳибкор ўзи яшаб турган давлатнинг ичида, шу жамиятнинг аъзоси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан унинг меҳнатига фақат ўзининг иқтисодий манфаатидан келиб чиқмасдан, балки жамият манфаатини ҳам ҳисобга олиш лозим. Жамиятнинг аъзоси сифатида ҳар бир меҳнаткашнинг ҳам ўз манфаати бор. Шу туфайли меҳнат тушунчаси тадқиқ қилинганда унинг манфаати ҳам четда қолиб кетмаслиги лозим. Демак бозор иқтисодиёти

²³ Ўша ерда. -Б.45.

²⁴ Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси (маърузалар матни). Самарқанд, 2002. –Б. 28.

шароитида меҳнатнинг натижасини баҳолашда фақат жамият нуқтаи назаридан қаралмасдан, балки мулк эгаси, соҳибкор, жамият ва меҳнаткаш манфаатларининг муштараклигини таъминлаш нуқтаи назаридан қараш лозим.

Назарияда ва амалиётда меҳнат ресурслари ва меҳнат салоҳияти деган кўрсаткичлар ишлатилади.

VIII-Халқаро статистиклар (1954 йил) конференциясида меҳнат ресурсларига «Хусусан меҳнат ресурслари» ва «ҳарбий хизматчилар» кириши таъкидланган. «Хусусан меҳнат ресурслари» ишловчилар ва ишсизлар категорияларига ажратилган.

БМТ статистика комиссияси 1966 йилги 14 сессиясида «Иқтисодий фаол аҳоли» тушунчасини жорий қилган. Уларга моддий неъматлар ишлаб чиқаришида ва хизмат қилишда қатнаша оладиган шахслар мажмуаси киради деб айтилган.

Меҳнат ресурслари деганда меҳнатга қобилиятли ёшдаги (аёллар 16-55, эркеклар 16-60 ёшда) ишчилар сони тушунилади. Бу чегара қонун орқали белгиланган. Меҳнат ресурслари чегараланган, лекин ҳаётда ногиронлар, нафақахўрлар, ёш болалар меҳнат қобилиятидан (иш кучидан) фойдаланилади²⁵.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожланиш жараёнида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш йўналишларини аниқлаб берувчи воситалардан бири бу – меҳнатни илмий ташкил этиш асосида унинг самарадорлигини ошириш омиллари ва манбаларини аниқлашдан иборатдир.

“Меҳнатни ташкил қилиш” тушунчасини пайдо бўлиш тарихига назар ташлар эканмиз, бу ерда, албатта, ушбу масаланинг асосчиси сифатида Ф.Тейлорнинг номини тилга оламиз. Шундай қилиб, Ф.Тейлор меҳнатни “илмий бошқариш” муаммосини амалий жиҳатдан асослаб берган бўлиб, у иқтисодиётда муҳим ўрин тутди.

²⁵ Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2010, 133-134 б.

“Меҳнатни ташкил қилиш” атамасидан айрим корхона ёки фирмага тадбиқан фойдаланилганда, уни кенг ва тор маънода талқин этиш мумкин. Кенг маънода меҳнатни, ишлаб чиқаришин ва бошқаришни ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларнинг барчасини англатади. Мазкур тушунчани ана шундай талқин қилиш тарафдорлари корхонада меҳнат фаолиятини ташкил қилишга уни яхлит бир бутун деб ёзишадилар. Тор маънода меҳнатни ташкил қилиш деганда жами меҳнатни ташкил қилиш, айти: меҳнатни тақсимлаш ва кооперациялаш, иш жойларини ташкил этиш, меҳнат усуллари, меҳнат шароитларини, меҳнат ва дам олиш тартибларини оқилонлаштириш, меҳнатни меъёрлаш, ходимларни меъёрлаш ва малакаларини ошириш, моддий рағбатлантириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби бир қатор амалий тадбирлар мажмуаси тушунилади.

“Меҳнатни ташкил қилиш” тушунчаси билан бир қаторда “Меҳнатни илмий ташкил қилиш” тушунчаси ҳам қўлланилади. Мазкур тушунчалар тузулмавий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмайди. “Меҳнатни илмий ташкил қилиш” атамасидан фойдаланиш тарафдорларининг фикрича, ушбу атама юқорида айтиб ўтилган элементларга олоҳида ёндашишни акс эттиради, яъни фан ва техниканинг барча ютуқларини қўлланиши, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалаларини ҳар томонлама ҳал этишни, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш жараёнининг узлуксиз кечишини назарда тутди. Ўтган асрнинг 60-70-йилларида мазкур нуқтаи назар ғоят кенг тарқалган эди. Эндиликда “Меҳнатни илмий ташкил қилиш” тушунчасидан бирмунча камроқ фойдаланилмоқда.

Меҳнатни ташкил этишнинг вазифалари уни амалга оширишнинг мақсади ва мазмунини белгилаб берадиган тизимининг ташкил этилиши, ишлаш ва ривожланиш таркибини бошқа тизимлар билан ўзаро алоқасини вужудга келтиришни талаб қилади. Ҳар бир тизим доирасида ходимларга юкланган меҳнат вазифаларини бажариш жараёнида улар меҳнатининг тақсимланиши ва кооперацияси масалалари ҳаи ҳал этилади. Шу билан бирга ишчи ўринлари, лавозимлар, таркибий бўлимлар ва меҳнат жамоаларининг

таркибий тузилиши аниқланади. Бу ўз навбатида корхонанинг ташкилий лойиҳасини ишлаб чиқишга ҳар томонлама ёндашувни таъмин этади ва корхоналар олдида турган, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқ меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Корхоналарда ходимларнинг меҳнат фаолиятини энг самарали бўлишини таъминловчи атрофлича шароит яратиш мақсадида меҳнатни ўрганиш, такомиллаштириш ва ҳар томонлама асосланган меҳнат нормаларини белгилашнинг назарияси ва амалиётини ишлаб чиқиш ҳамда иш берувчидан самарали фойдаланиш асосида меҳнат самарадорлигини ошириш имкониятларини қидириб топиш битирув малакавий ишимизнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Меҳнатни ташкил этишга жуда кўп омиллар: технологиялар, миллий, тармоқ ва корпоратив маданият, товар ва меҳнат бозорлари, давлат ва касба уюшмалар томонидан мувофиқлаштириш ва бошқалар таъсир кўрсатади.

Инсонлар товар ва хизматлар яратиш ҳамда уларни сотиш учун ўз билим ва тажрибаларини бирлаштирадilar. Шу нуқтаи назардан, меҳнатни ташкил этиш инсонларнинг бу мақсадга эришиш учун ўзларига юклатилган шахсий топшириқларни қай тарзда бажара олишларини белгилаб беради. Одатда бу ҳолда корхона жамоаси ўртасидаги меҳнат муносабатлари тизимини шакллантирадиган, тақсимотни мувофиқлаштирадиган ва аниқ белгилаб қўйилган иш қоидаларини расмийлаштирадиган тузилма таркиб топади. Бундай мувофиқлаштириш натижасида бир тоифа ходимлар бошқаларга бўйсунадиган ва улар томонидан назорат қилинадиган бўладилар.

Меҳнатни ташкил этиш тизимига таъсир кўрсатадиган қуйидаги омиллар мавжуд²⁶:

1. Меҳнат таъсири (бозорда товар ва ишчи кучига талаб, географик, демографик ва маданий омиллар).

²⁶ Абдурахманов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси, дарслик Т: “Ўқитувчи”. 2001. –Б. 116.

2. Технологик таъсир (XX асрнинг бринчи ярмида индийуал ишлаб чиқаришда конвейер усулунинг, сўнги йилларда ахборот технологияларнинг қўлланиши меҳнатни ташкил этишда туб ўзгаришларга олиб келди).

3. Статистик таъсир. Ушбу масалада қарорни компания бошқарувчилари қабул қилишларига қарамасдан, ана шундай қарорларга келишга юқорида қайд этилган икки таъсирни ҳисобга олмасликни иложи йўқ.

Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатни ташкил этиш деганда, меҳнат жараёнида фан ва техниканинг барча ютуқларини қўлланишини, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари ҳар томонлама ҳал этишни, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш жараёнининг узлуксиз кечишини такомиллаштиришдан иборатдир.

Хизмат соҳасида меҳнатни ташкил қилиш масаласи энг асосий кўрсаткичлардан биридир. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш муносабатларида ишчи кучи, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари ўртасида ўзаро боғлиқлик юзага келади. Ўзаро боғлиқлик ва таъсир меҳнат фаолиятини қай ҳолатда ташкил этилганлиги натижасидир.

Бизнингча, хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил этишда вақт бирлиги ичида сарфланган меҳнат харажатлари билан бирга унинг тузилишини ҳам ҳисобга олиш зарур.

1.3. Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил этиш билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими

Меҳнат жараёни табиатга ишчи кучи, меҳнат предметлари ва меҳнат қуроллари (иккаласи меҳнат воситаларини ташкил қилади) билан биргаликда таъсир қилиши туфайли содир бўлади.

Ишчи кучи бу жараёнда асосий рол эгаллайди. Ишчи кучи инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти билан белгиланади.

Ишчи кучи деганда бизлар инсонни жисмоний, ақлий, маънавий ва рухий қобилиятлари ва уларни зарурият туғилиши билан ишлатиб қандайдир моддий, маънавий ва маданий истеъмол қийматлар яратишга тушунамиз.

Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш жараёни учта фазадан иборат бўлиб унга:

- шаклланиш фазаси;
- тақсимот фазаси;
- истеъмол фазалари киради.

Жаҳон стандартларига биноан ишчи кучининг асосий қисмини ёлланма ходимлар ташкил қилади. Уларга шартнома (кантракт) асосида ишлаётган барча ходимлар киради. Статистикада ишчи кучи рўйхатдаги ходимлар сифатида ҳисобга олинади. Рўйхатдаги ходимларга барча доимий, вақтинча ва шартнома асосида ишга қабул қилинганлар киради.

Вақтинча ишга қабул қилинганлар таркибига бир кун ва ундан кўпроқ кунларга ишга қабул қилинганлар киради. Бунга ҳақиқатда ишлаётган ва вақтинча ишга чиқмаган, лекин ишда формал ҳолда ҳисобланадиганлар киритилади.

Назарияда ва амалиётда меҳнат ресурслари ва меҳнат салоҳияти деган кўрсаткичлар ишлатилади.

VIII-Халқаро статистиклар (1954 йил) конференциясида меҳнат ресурсларига «Хусусан меҳнат ресурслари» ва «ҳарбий хизматчилар» кириши таъкидланган. «Хусусан меҳнат ресурслари» ишловчилар ва ишсизлар категорияларига ажратилган.

БМТ статистика комиссияси 1966 йилги 14 сессиясида «Иқтисодий фаол аҳоли» тушунчасини жорий қилган. Уларга моддий неъматлар ишлаб чиқаришида ва хизмат қилишда қатнаша оладиган шахслар мажмуаси киради деб айтилган.

Меҳнат ресурслари деганда меҳнатга қобилиятли ёшдаги (аёллар 16-55, эркеклар 16-60 ёшда) ишчилар сони тушунилади. Бу чегара қонун орқали белгиланган. Меҳнат ресурслари чегараланган, лекин ҳаётда ногиронлар,

нафақахўрлар, ёш болалар меҳнат қобилиятидан (иш кучидан) фойдаланилади.

Меҳнат ресурсларига буларни қўшсак меҳнат салоҳиятини ташкил қилади.

Масалан: вилоятда аҳолининг сони 2,0 млн. киши, шундан 60%, яъни 1,2 млн. – меҳнатга қобилиятли ёшдаги аёллар ва эркеклар.

Шулардан 0,3 млн. ишсиз.

Ишлаётган ишчилар сони 1,4 млн. киши.

Иш билан банд бўлган ногиронлар, нафақахўрлар ва ёш болалар (16 ёшгача) $1,4 + 0,3 - 1,2 = 0,5$ млн. (ишчилар сони $1,2 - 0,3 + 0,5 = 1,4$).

Меҳнат ресурслари – 1,2 млн. киши.

Ишчилар сони – 1,4 млн. киши.

Меҳнат салоҳияти – $1,4 + 0,5 = 1,9$ млн. киши.

Корхона миқёсида ишчи ходимлар сони меҳнат салоҳиятига тенг бўлади.

Ходимлар (ишчилар) сони корхоналарда ўрганишда ва статистик ҳисоботда икки хил турда бўлади.

1. Рўйхатдагилар.

2. Ишга келганлар.

Рўйхатдаги ходимлар сони барча рўйхатдан ўтган ҳар хил сабаблар билан ишга (доимий, мавсумий, вақтинчалик) ишчилар сони киради. Уларга (хизмат сафарида, меҳнат таътили, декрет таътили, касаллар, ишга ҳар хил бошқа сабаблар билан ўқиш, депутатлик ва ҳ.к.) келмаганлар киради.

Статистик ҳисоботда ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони кўрсаткичи ишлатилади. (1 ой, квартал, 6 ой, 9 ой ва 1 йил). Бунда ишга келганлар ва келмаганлар ҳам ҳисобга олинади.

Масалан: ойлик учун ҳар куни рўйхатдаги ишчилар сони (байрам, дам олиш кунлари ҳам ҳисобга олинган ҳолда) ҳар кунлигини жамлаб ойнинг тақвим (календар) сонига бўлиш билан аниқланади (ишчи-кун:календар кунига).

3 ойга бўлса ҳар бир ойнинг ўртача кўрсаткичини жамлаб 3 га бўламиз ва ҳоказо. Агарда ишчилар сони ҳар ой бошига берилган бўлса ўртача хронологик усул билан аниқланади.

Ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини аниқлашда дам олиш ёки байрам кунларидаги ишга келганлар сони бир кун олдин ишга келганлар сонига тенг деб ҳисобга олинади.

$$\bar{X} = \frac{\frac{570}{2} + 575 + 572 + \frac{580}{2}}{4 - 1} = 574_{\text{киши}}$$

Статистикада ўртача иш ҳақи, меҳнат унумдорлиги ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаш учун «ўртача иш ҳақи ва бошқа ўртача кўрсаткичларни аниқлаш учун ходимлар сони» кўрсаткичи ишлатилади.

Ходимлар сони билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни ҳам киритиш лозим:

1. ишга келган ходимлар сони (уларни рўйхатдаги ходимлар сонига ҳиссаси);
2. ишчи ходимларни таркиби;
3. ходимларни ўртача ёши;
4. меҳнат даври (стажи);
5. меҳнат унумдорлиги;
6. ишчи ходимларни рентабеллиги ёки даромадлиги ($P_{и.х}$). Агарда яратилган қийматни $C + V + m$ деб ҳисобласак, рентабеллик қуйидагича ифодаланади:

$$P_{и.х} = \frac{m}{V}$$

C – доимий капитал ишлаб чиқариш воситалари;

V – ўзгарувчан капитал, иш ҳақи;

m – олинган фойда.

7. меҳнаткашларнинг бўш вақти (дам олиш, ўқиш, малака ошириш жамоат ишлари, болалар тарбияси, жисмоний тарбия ва спорт, маданий дам олиш, маънавий эҳтиёжларни қондириш);

8. ходимларни қўнимсизлик коэффиценти (ишдан кетган ва ҳайдалганлар: ўртача рўйхатдаги сонига);

9. ходимларни қабул қилиш коэффиценти;

10. меҳнат унумдорлиги;

11. меҳнат унумдорлиги ва ўртача иш ҳақини солиштира кўрсаткичи.

Юқоридагилардан келиб чиқиб савдо корхоналарида меҳнат ресурсларини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу кўрсаткичлар иқтисодий жиҳатдан турли гуруҳларга мансуб, чунки меҳнат ресурсларининг у ёки бу жиҳатларини ифодалайди.

Меҳнат ресурсларини ифодаловчи барча кўрсаткичлар иқтисодий мазмунига қараб уч гуруҳга бўлинади:

1. Меҳнат ресурслари ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;


2. Меҳнат ресурслари билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;

3. Меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

Меҳнат ресурсларини ифодаловчи барча кўрсаткичлар таснифи ва уларнинг мазмуни қуйидаги чизмада келтирилган. (1.3.1-чизма).

1.3.1-Чизма.

Мехнат ресурсларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.



Мехнат ресурсларини ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар орқали меҳнат ресурслари қандай аҳволда эканлигини билиш билан бирга, уларнинг ўзгариш динамикасини, обороти ва қўнимсизлиги каби муҳим кўрсаткичларни ҳам билиш мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида ходимларнинг обороти ва қўнимсизлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки улар ишсизликнинг олдини олиш, самарадорликни ошириш, ходимларнинг тажрибасининг ошишини таъминлаш каби муҳим жихатларни ўзида акс эттиради.

1.Мехнат ресурсларини ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг номи, аниқланиш йўллари ва мазмуни қуйидаги чизмада келтирилган.

1.3.2-Чизма.

Мехнат ресурслари ҳолати ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари.

Мехнат ресурслари ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар				
Мехнат ресурсларининг ўртача сони	Мехнат ресурсларининг таркиби	Мехнат ресурсларининг айланиши	Мехнат ресурсларининг қўнимсизлиги	Мехнат ресурслари турғунлиги
$(M.p.б. + M.p. до.)$ $M.p = \frac{\quad}{2}$	$\frac{M.p.i}{M.p.t} = \frac{\quad}{M.p}$	$\frac{M.p. б к + M.p}{M.p. об.} = \frac{\quad}{M.p}$	$\frac{M.p. салб}{M.p. қўн} = \frac{\quad}{M.p}$	$\frac{M.p. 3 й .к.и}{M.p. тур} = \frac{\quad}{M.p}$
Мехнат ресурслари билан боқлик кўп кўрсаткич-ларни аниқлашда зарур. Бу бир давр бирлигида ўртача қанча меҳнат ресурслари банд бўлганлигини ифода-лайди.	Мехнат ресурслари таркиби қанча мутахассислар олий ёки ўрта махсус маълумотга эга кадрлар улуши кабиларни ифода-лайди	Ҳисобот даврида қанча киши ишдан бўшаган ва қабул қилинганлигининг улушини ифода-лайди. Ишга қабул қилинган ва ишдан бўшаганларнинг улушини алоҳида ҳисоблаш ҳам мумкин.	Салбий сабаблар (шу жумладан ўз ариза-сига биноан) билан бўшатирилган ходимларнинг умумий ходимлардаги улушини ифода этади.	Корхонада турғун одамлар яъни, шу ерда 3 йилдан кўп ишлаган одамлар улушини ифода этади.

Мехнат ресурсларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимида улар билан таъминланганликни ҳарактерловчи кўрсаткичларнинг алоҳида ўрни бор, чунки меҳнат ресурси билан етарли даражада таъминланмаса ҳар қандай жараён ҳам меъёргадек содир бўлмаслиги мумкин. Агар керагидан кўп таъминланган бўлса корхона учун ортиқча сарф ҳисобланади. Шу туфайли ушбу гуруҳ кўрсаткичларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва ўрганиш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга.

1.3.3-Чизма.

Меҳнат ресурслари билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари.

Меҳнат ресурслари билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар			
Меҳнат ресурслари билан штат жадвалининг таъминланганлиги	Меҳнат ресурслари сифими	Меҳнат ресурсларининг қуролланганлиги	Айланма маблағларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги ва х.к.
$\frac{M.p}{M.p.t} = \frac{M.p}{M.p.t} = \frac{M.p}{M.p.t}$ $M.p \text{ шт.ж}$	$\frac{M.p}{M.p.c} = \frac{M.p}{M.p.c} = \frac{M.p}{M.p.c}$ Q	$\frac{A.B.f}{M.p.k} = \frac{A.B.f}{M.p.k} = \frac{A.B.f}{M.p.k}$ $M.p$	$\frac{M.p}{M.p} \cdot \frac{A.m}{A.m} = \frac{M.p}{A.m}$ $A.m$
Корхона штат жадвали қай даражада таъминланганлигини, тегишли мутахассисларнинг етарли эканлиги ёки янги мутахассисларни қабул қилиш зарурлиги кабиларни ифодалайди	Бир бирлик маҳсулот (иш, хизмат) га тўғри келадиган меҳнат ресурслари сонини ифодалайди	Меҳнат ресурслари қай даражада фаол асосий воситалар билан таъминланганлигини ёки унинг тескариси 1 сўм асосий воситага қанча меҳнат ресурслари тўғри келишини ифода этади.	1 сўм айланма маблағларга қанча меҳнат ресурслари тўғри келишини ифодалайди, ёки унинг тескариси меҳнат ресурсларининг қай даражада айланма маблағ билан таъминланганлигини кўрсатади.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мулк шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ўта муҳимдир. Чунки меҳнат қанча самарали бўлса, иқтисодий кўрсаткичлар шунча юқори бўлади. Бозорли иқтисодиёт шароитида мавжуд меҳнат ресурсларидан қандай фойдаланаётганлиги билан бир қаторда, у қанча харажатга тушаётганлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шу боисдан корхонанинг меҳнат буйича ҳолати ёки рейтингини аниқлаш учун албатта меҳнат ресурслари самарадорлик кўрсаткичлари билан бирга меҳнат

харажатлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳам олиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат ресурслари самарадорлиги тушунчасини тўлиқ англаб етиш учун энг аввало “самара”, “самарадор”, “самарадорлик” атамаларнинг мазмунига тўхталамиз. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (Москва, “Русский язык” нашриёти, 1981. 17 бет) “самара” сўзига қуйидагича изоҳ берилган. “Самара” натижа, оқибат; мева. “Самарадор” сўзини кутилганича ёки ундан ҳам ортиқ самара берадиган; самарали, сермахсул деб изоҳлаган. “Самарадор меҳнат”ни унга мисол тариқасида келтириб қўйган. “Самарадорлик” атамасини самарадор сўзининг изоҳига киришни кўрсатиб, иқтисодий самарадорлик, меҳнат самарадорлигини оширмақ каби сўзлар билан изоҳланган. “Самара”- деганда, иқтисод нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, бирорта иқтисодий жараёнда эришилган натижа тушунилади ёки бирорта иқтисодий фаолият натижасидир. Шуниндек, асосий воситалар, айланма маблағлар ёки меҳнатнинг ишлатилишидан олинадиган натижани ҳам самара сифатида ифодалаш мумкин. “Самарадор” атамаси бирор фаолият ёки предметни ишлатишнинг серунумлигини англатади. Масалан, олий маълумотли малакали кишининг меҳнати оддий малакасиз кишининг меҳнатига нисбатан самарадор, серунум. “Самарадорлик” - бу том маънода натижавийликдир. Бирорта содир бўлган иқтисодий жараённинг қандай натижа билан яқунланганлигини ифолайдиган тушунча. Самара ва самарадор сўзлари иқтисодиётда асосан мутлоқ кўрсаткичлар билан ифодаланса самарадорлик сўзи нисбий кўрсаткичлар билан ифодаланади. Энди ушбу тушунчаларни бевосита меҳнатга, меҳнат ресурсларига нисбатан тадбиқ қиламиз. Меҳнат самараси деганда, маълум вақт бирлигида (кун, ой, чорак, йил) эришилган натижа билан ифодаланган кўрсаткич тушунилади. Масалан, меҳнатнинг самараси, ишлаб чиқариш соҳасида яратилган тайёр маҳсулот, даромадлар ёки фойда кўрсаткичларида ифодаланиши мумкин.

Меҳнат самарадорлиги деганда, унинг натижавийлиги, яъни маълум вақт бирлигида, битта ходимга тўғри келадиган натижа билан ўлчанади.

Масалан, ишлаб чиқаришда бир кишига тўғри келадиган тайёр маҳсулот ҳажми, даромад ёки фойда каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Демак, меҳнат самараси бу мутлоқ, унинг самарадорлиги эса нисбий кўрсаткичларда ўз ифодасини топган.

Таҳлил жараёнида шуни инобатга олиш лозимки меҳнат ҳам унинг натижаси ҳам турли кўрсаткичларда ифодаланади. Таҳлилнинг мақсадига қараб ушбу кўрсаткичлардан бирини ёки ҳаммасини натижа сифатида қабул қилиш мумкин. Шу туфайли меҳнат самарадорлиги тўғрисида тўлиқ ва батафсил хулоса қилиш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадага мувофиқ деб ўйлаймиз. Самарадорлик мезони - бу моҳияти жиҳатидан мулк эгаси, ишлаб чиқарувчи(меҳнаткаш) ва давлатнинг моддий манфаатдорлигини ифодаловчи объектив баҳо берадиган ўлчов бирлигидан иборат бўлган иқтисодий категориядир. Самарадорликнинг шундай мезонини топиш керакки, у бир вақтнинг ўзида ҳам мулкдор, ҳам меҳнаткаш, ҳам давлат манфаатини тўлиқ ифодаласин.

Бизнинг фикримизча меҳнат ресурслари самарадорлиги мезонини аниқлашда унинг шаклидан келиб чиқиб иккига; глобал мезонини аниқлашда давлат манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Давлатимизнинг ҳозирги сиёсати манфаатлар муштараклигини таъминлашга қаратилган. Меҳнат ресурси самарадорлигининг локал мезони бевосита мулк эгаси ва ишлаб чиқарувчилар манфаатининг муштараклигидан келиб чиқади.

Корхоналарда меҳнат ресурслари ва харажатлари самарадорлигини тўлиқ ифодалаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мумкин.

1.3.4 - Чизма.

Меҳнат ресурси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниклаш йўллари.

Меҳнат ресурслари самарадорлиги (М.р)			Натижа (Q) = ----- Меҳнат ресурслари, (М.р)			
Меҳнат ресурслари натижа вийлиги (МУ);	Меҳнат ресурслари даромадлиги	Меҳнат ресурслари рента беллиги	Маҳсулот сотиш ҳажмининг меҳнат унумдорлиги эвазига ошган қисми	Иш ҳаки харажатлари даражаси	Меҳнат ҳаки даромадлиги	Меҳнат ҳаки рентабеллиги
$M.p_n (MU) = \frac{Q}{M.p}$	$\frac{Д}{M.p} \frac{Д}{M.p}$	$\frac{Ф}{M.p} \frac{Ф}{M.p}$	$T_{\mu} = 100 - \frac{X_c \text{ узг \%}}{Q \text{ узг \%}}$	$\frac{ИХ}{ИХ_{д.ж}} = \frac{---}{Q} * 100$	$\frac{Д}{ИХ} \frac{Д}{ИХ}$	$\frac{СФ}{ИХ} \frac{СФ}{ИХ}$
Ҳар бир меҳнат ресурси бирлигига неча сўм микдори да натижа (маҳсулот) тўғри келганлиги ни ифодалайди.	Ҳар бир меҳнат ресурси бирлигига қанча фойда сўммасининг тўғри келиши ни ифодалайди.	Ҳар бир меҳнат ресурси бирлигига қанча даромад сўммаси тўғри келиши ни ифодалайди.	Меҳнат унумдорлиги эвазига маҳсулот ҳажмининг ўзгариши ни ифодалайди.	Ушбу курсаткичининг микдори юз сумлик маҳсулот ҳажмининг неча сўми меҳнат ҳакига кетишини кўрсатади.	Ушбу кўрсаткич бир сўм иш ҳақиға қанча даромад тўғри келганлигини ифода лаиди.	Ушбу кўрсаткич бир сўм иш ҳақиға қанча соф фойда тўғри келганлиги ни ифода лаиди.

Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткичлар таҳлил мақсадидан келиб чиқиб, натура ва қиймат шаклларда шуниндек, ҳақиқий микдори режа ва ўтган давр микдорлари билан солиштирилади, ўзгариш фарқи сўмда ва фоизда ифодаланади.

Умуман олганда, бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналарида банд бўлган меҳнат ресурсларини (ходимлар сонини) таҳлил қилиш

иқтисодий ишларнинг энг муҳим томонларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки ходимлар сони, ҳар бир корхонани меҳнат салоҳияти ва малакали иш кучи билан таъминланганлигини ифодалайди ҳамда катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, улар ишлаётган корхоналарда ишчилар бандлиги, улар иш ҳақи миқдори ва бошқа рағбатлантириш механизмларининг қандай ташкил қилинганлиги билан ифодаланади.

Шу билан бир қаторда корхонанинг самарадорлиги унда фаолият кўрсатаётган ходимлар сонига, уларнинг малакасига, меҳнат шароити ва улар ўртасидаги маънавий-руҳий муҳитига бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ходимлар сонини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ходимлар сонини таҳлил қилишнинг вазифаси, унинг аҳамиятидан келиб чиқади. Таҳлилнинг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- фаолиятдаги (рўйхатдаги) ходимлар сонини ва уларнинг штат жадвалига мувофиқлигини солиштириб баҳолаш;
- ходимлар таркибини ўрганиш;
- ходимлар малакасини, маълумоти бўйича таркибини ўзгаришига баҳо бериш;
- ходимлар умумий миқдори ва таркибини ўзгариш тенденцияларини, корхонанинг бошқа кўрсаткичлари билан боғлиқлигини ўрганган ҳолда баҳолаш;
- ходимларнинг ишлатилиш кўрсаткичлари, қўнимсизлик коэффициенти, қабул қилиш коэффициенти, меҳнат унумдорлиги ва бошқаларни аниқлаш, уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни белгилаш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш.

Таҳлилнинг вазифаси бу келтирилганлар билан чекланиб қўлмайди, балки ҳар сафар таҳлилнинг мақсадидан келиб чиқиб, ўзгариб туриши табиий. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида вазиятлар тез ўзгариб туриши мумкин. Бу ўзгариш жараёнини таҳлил қилиб, тегишли қарорлар қабул қилиб, амалий чора-тадбирларни қўллаш, бошқариш ва иш юритиш

усулларини вазиятга қараб мослаб бориш чораларини кўриш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ходимлар сонини таҳлил қилиш, уларнинг умумий сонини, таркибини, меҳнат унумдорлигини режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариш тенденцияларини аниқлашдан бошланади.

Таҳлилда ушбу кўрсаткичларни бир неча йилга ўрганиш тавсия қилинади.

Кейинги босқичда ходимлар сонини корхонанинг даромади ёки фойдаси билан солиштириб ходимларга тўғри келган даромад ёки фойдани ўзгариш тенденцияларини баҳолаш зарур.

Таҳлил жараёнида меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақини ўзгариш тенденцияларини солиштириш катта аҳамиятга эга.

Таҳлил учун ахборот манбълари сифатида меҳнат режаси, меҳнат бўйича ҳисобот, статистик ҳисоботлари, табель асосида ҳисобга олиш ва кадрлар бўлими маълумотлари хизмат қилади.

Меҳнат ресурсларини ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар орқали меҳнат ресурслари қандай аҳволда эканлигини билиш билан бирга, уларнинг ўзгариш динамикасини, обороти ва қўнимсизлиги каби муҳим кўрсаткичларни ҳам билиш мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида ходимларнинг обороти ва қўнимсизлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки улар ишсизликнинг олдини олиш, самарадорликни ошириш, ходимларнинг тажрибасининг ошишини таъминлаш каби муҳим жихатларни ўзида акс эттиради.

2-БОБ. Тайлоқ туманида хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатни ташкил этиш ҳолатининг таҳлили.

2.1. Тайлоқ туманининг ижтимоий-иқтисодий тавсифи.

Мамлакат ёки унинг муайян маъмурий ҳудудининг ҳолатига баҳо беришда, дастлаб унинг ижтимоий-иқтисодий тавсифини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, муайян маъмурий ҳудуднинг ривожланиш ҳолати ва истиқболи кўп жиҳатдан маъмурий ҳудуднинг географик жойлашувига, демографик ҳолатига, ижтимоий ва иқтисодий инфраструктураларнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Тайлоқ – Самарқанд вилоятидаги қишлоқ тумани ҳамда туман маркази номи. **Тайлоқ** – ўзбек уруғи. Ўзбекларда тайлоқларнинг **октайлоқ**, **қоратайлоқ** каби тармоқлари мавжуд бўлган. **Тайлоқ** топоним бўлиб, шу асосда уруғ номи вужудга келган. **Тайлоқ** жой номларида ва кишилар исмларида ҳам учрайди. Туман номига шу номли қишлоқ асос бўлган²⁷.

Тайлоқ туманининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари Самарқанд вилоятининг ўртача кўрсаткичлари билан таққосланган қиёсий маълумоти 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тайлоқ туманининг Самарқанд вилоятининг кўрсаткичлари билан таққосланган маълумотлари, (2014 йил 1 январ ҳолатига)

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Самарқанд вилояти	Тайлоқ тумани	Улуши, %
1.	Ҳудуди	минг км ²	16,77	0,28	1,7
2.	Аҳолиси шундан:	минг киши	3 444,8	175,5	5,1
3.	Аҳолининг зичлиги, 1 кв. км	киши	205,4	626,8	-

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани 09.04.1992 йил ташкил топган бўлиб, туман маркази Тайлоқ шаҳри ҳисобланади. Туманда шаҳар типигаги посёлкалар (шаҳарчалар) сони 3 та, маҳалла фуқоролари йиғинлари сони 50

²⁷ <http://tayloq.samarkand.uz>

та, шундан шаҳар маҳаллалари сони 6 та, қишлоқ фуқаролар йиғинлари сони 8 та, қишлоқ аҳоли пунктлари 87 тадан иборат. Тайлоқ туманининг майдони 0,28 минг км², аҳолиси 175,5 минг (2014 йил 1 январь ҳолатига) киши. Туман вилоят ҳудудининг 1,7 % ини, аҳолисининг эса 5,1 % ини ташкил қилади. Аҳолининг зичлиги Самарқанд вилоятида 1 кв.км. – 205,4 кишини ташкил қилса, Тайлоқ туманида бу кўрсаткич 626,8 кишидан иборат, ўртача вилоят кўрсаткичидан юқори. Тайлоқ шаҳри Тайлоқ туманининг маркази ҳисобланади. Самарқандгача бўлган масофа 10 км, чегарадош туманлар Ургут, Жомбой, Булунғур ва Самарқанд туманлари ҳисобланади.

Тайлоқ тумани Самарқанд вилояти иқтисодий-ижтимоий ривожланишида ўзининг алоҳида ўрнига эга. Жумладан, 2013 йилда Тайлоқ туманида барча соҳалар микдор кўрсаткичларида ўсиш кузатилган (2-жадвал)

2-жадвал

Тайлоқ туманининг ижтимоий иқтисодий кўрсаткичлари
(млрд. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2013 йилда ўзгариш суръати, %
1.	Саноат ишлаб чиқариш	75,7	103,6	113,0
2.	Истеъмол моллари	32,8	68,8	104,1
3.	Капитал қўйилмалар	52,4	59,3	100,8
4.	Қурилиш ишлари	50,0	62,0	111,5
5.	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	279,3	337,0	107,0
6.	Чакана товар айланмаси	76,4	79,9	113,9
7.	Пуллик хизмат	33,7	56,5	117,0
8.	Экспорт, минг АҚШ доллари	21465,2	22481,7	112,5
9.	Импорт, минг АҚШ доллари	44388,3	53892,1	121,4

Манба: Самарқанд вилояти Статистика Бошқармаси маълумотлари

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Тайлоқ туманида 2013 йилда барча ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар 2012 йилга нисбатан ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, энг юқори ўсиш кўрсаткичлари

импорт (121,4 %), пуллик хизмат кўрсатиш (117,0 %), чакана товар айланма (113,9 %) ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмларида ўртача ўсиш 10 фоиздан кўп бўлган. Тайлоқ тумани чет элдан асосан (импорт таркиби) кимёвий маҳсулотлар, озиқ-овқат моллари, машина ва асбоб ускуналар харид қилса, экспортга асосан озиқ-овқат моллари чиқарилади. Умуман олганда, Тайлоқ туманида сўнгги йилларда барча ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар йилдан йилга ижобий томонга ўзгариб бормоқда.

Тайлоқ тумани ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг ривожланишида меҳнат ресурсларининг аҳамияти катта. Шу боиз биз таҳлилнинг кейинга қисмида Тайлоқ тумани иқтисодиётида банд аҳоли сонини таҳлил қилишни лозим топдик.

3-жадвал

Тайлоқ тумани иқтисодиётида банд аҳоли сони

(минг, киши)

Соҳалар бўйича	2012-йил	2013-йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
Жами	60,9	62,3	1,4	102,3
шу жумладан				
Кишлоқ хўжалигида	17,9	18,4	0,5	102,8
Саноатда	6,7	6,0	-0,7	89,6
Қурилишда	4,0	4,2	0,2	105,0
Транспортда	3,0	3,1	0,1	103,3
Алоқада	1,3	1,4	0,1	107,7
Савдо, умумий оқатланиш моддий таъминот, тайёрлов корхоналарида	6,7	6,8	0,1	101,5
Уй-жой коммунал хўжалиги, маиший хизмат	2,4	2,5	0,1	104,2
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	4,1	5,5	1,4	134,1
Халқ таълими, маданият ва саънат	6,2	9,7	3,5	156,5
Суғурта, молия, ва нафақа жами	0,2	0,3	0,1	150,0
Бошқарув органларида	0,6	1,1	0,5	183,3
Бошқа соҳа ва тармоқларда	7,8	3,3	-4,5	42,3

Манба: Тайлоқ тумани статистика бўлими маълумотлари (йил бошига)

Келтирилган 3-жадвал маълумотларидан қуйидаги хулосаларга келинди:

- Иқтисодиётда банд аҳоли сони 2013 йил бошида 2012 йил бошига нисбатан 1,4 минг кишига ошган.
- Иқтисодиёт тармоқлари орасида 2013 йил бошида қишлоқ хўжалигида банд аҳоли сони жами банд аҳоли сонининг 29,5 $(18,4 \cdot 100 / 62,3)$ фоизини ташкил этади.
- Энг юқори ўсиш кўрсаткичи халқ таълимида кузатилган бўлиб, 2013 йил бошида 2012 йил бошига нисбатан 3,5 минг кишига ошган.

Умуман олганда барча соҳада аҳоли бандлиги ошиб бормоқда, бу эса ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини ошириш орқали фаровонлигини юксалтириш каби масалаларни ечишда муҳим аҳамият касб этади.

Туманнинг иқтисодий ривожланишига баҳо беришса аҳоли жон бошига тўғри келадиган иқтисодий кўрсаткичларни ўрганиш, туман аҳолисининг фаровонлиги тўғрисида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш имкониятини беради (4-жадвал).

4-жадвал

Аҳоли жон бошига иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	2012-йил	2013 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
Саноат ишлаб чиқариш	442,4	590,3	147,9	133,4
Истеъмол моллари	191,7	392,0	200,3	204,5
Капитал қўйилмалар	306,3	337,9	31,6	110,3
Қурилиш ишлари	292,2	353,3	61,0	120,9
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	1632,4	1920,2	287,8	117,6
Чакана товар айланмаси	446,5	455,3	8,7	102,0
Пуллик хизмат	197,0	321,9	125,0	163,5

Манба: Самарқанд вилояти Статистика Бошқармаси тезкор дастлабки маълумотлари асосида ҳисобланди

Келтирилган 4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики аҳоли жон бошига энг юқори кўрсаткич бўлиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб

чиқариш ҳисобланади. Жумладан, 2013 йилда аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1920,2 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 287,8 (1920,2-1632,4) минг сўмга ошган. Худди шундай ўсиш кўрсаткичи аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ҳам кузатилиб, 2012 йилга нисбатан 147,9 минг сўмга ошиб 2013 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ҳажми 590,3 минг сўмга етган. Тайлоқ туманида 2013 йилда аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмларининг ҳам юқори суръатлар билан кўпайганлигини кузтиш мумкин. Хулоса ўрнида, Тайлоқ туманининг 2013 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар бўйича эришган барча макроиктисодий кўрсаткичлари 2012 йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичига эришган ва ижобий тамонга ўзгарган.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси инсонлар ҳаётини яхшилашга, аҳолининг бандлигини таъминлашга, даромадларини ошириш орқали уларнинг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Ушбу соҳа одамларга муносиб шароит яратиб бериш билан бирга, мамлакат ялпи ички маҳсулотида ҳам ўзининг сезиларли ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Республикамизда, 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг асосий концептуал йўналишлари белгилаб қўйилган эди. Булардан келиб чиқиб ҳамда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016 йилларга мўлжалланган дастур”га асосланиб мамлакатимизда хусусан вилоятларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг асосий концептуал йўналишлари ҳам белгиланди.

Тайлоқ тумани аҳолиси турмуш даражасининг яхшиланишида, маънавий ва жисмоний ривожланишида, бўш вақтдан унумли фойдаланишда кўрсатилаётган хизматларнинг аҳамияти катта.

Шунинг учун, «Самарқанд вилоятида 2012-2016 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури» ишлаб чиқилди. Дастурнинг

бош мезони, вилоятда хизмат кўрсатишни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва аҳолини иш билан таъминлаш ҳисобланади. Бу дастурнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ аҳолисининг ўсиб бораётган талабларини қондирилишида ижобий самара беради.

Бу дастурнинг амалга оширилиши жараёнида 2014 йил бошига Тайлоқ тумани бўйича аҳолига хизмат кўрсатувчи шахобчалар сони кўпайди (5-жадвал).

5—жадвал

Тайлоқ туманида 2013 йилда ташкил этилган хизмат кўрсатиш шахобчалари тўғрисида маълумот

№	Хизмат кўрсатиш шахобчалари номи	Самарқанд вилоятида	Тайлоқ туманида	Тайлоқ туманининг улуши, %
1	Чакана савдо корхоналари	218	12	5,5
2	Умумий овқатланиш корхоналари	70	4	5,7
3	Кийим тикиш устахоналари	89	6	6,7
4	Пойабзал тикиш устахоналари	92	7	7,6
5	Маиший техника таъмирлаш устахоналари	44	4	9,1
6	Суръатхона	58	5	8,6
7	Бошқалар	550	40	7,3
	Жами	1121	78	7,0

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики Самарқанд вилоятида 2013 йилда жами 1121 та хизмат кўрсатиш шахобчалари шундан 218 та чакана савдо корхоналари, 70 та умумий овқатланиш корхоналари, 89 та кийим тикиш устахоналари, 92 та пойабзал тикиш устахоналари, 44 та маиший техника таъмирлаш, 58 та суръатхона, 44 та маиший техникаларни таъмирлаш устахоналари ва 550 та бошқа турдаги шахобчалар ташкил этилган бўлса, Тайлоқ туманида жами 78 та хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилган бўлиб, тумanning вилоятдаги улуши ўртача 7,0 фоизни ташкил этган.

Самарқанд вилояти, шаҳар ва туман хокимликлари ҳам ушбу дастурдан келиб чиқиб, ўзларининг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқадилар. Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, Самарқанд

вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари барқарор ривожланиб бормоқда (6-жадвал).

6-жадвал

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати таҳлили
(млрд. сўм)

Хизмат кўрсатиш турлари	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	204,9	250,7	45,8	122,4
Молия хизмати	212,0	273,1	61,1	128,8
Транспорт хизмати	526,5	703,6	177,1	133,6
Қурилиш хизмати	107,9	148,9	41,0	138,0
Туризм хизмати	27,9	38,5	10,6	138,0
Савдо ва умумий овқатланиш хизмати	853,8	1151,6	297,8	134,9
Маиший хизмат кўрсатиш	117,3	264,3	147,0	225,3
Таълим хизмати	126,5	178,3	51,8	140,9
Соғлиқни сақлаш хизмати	37,0	51,6	14,6	139,5
Бошқа хизматлар	769,8	1016,3	246,5	132,0
Жами хизматлар	2983,6	4076,9	1093,3	136,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида жами хизматлар 2013 йилда 4076,9 млрд. сўмни ташкил этиб 2012 йилга нисбатан 36,6 фоизга кўпайган. Энг юқори ўсиш кўрсаткичига маиший хизмат кўрсатиш 2,2 марта, таълим, соғлиқни сақлаш, қурилиш ва туризм хизматлари 1,4 мартага ошган бўлса, савдо ва умумий овқатланиш хизмати ҳамда транспорт хизматлари 1,3 марта ўсган.

7-жадвал

Тайлоқ туманида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш ҳолати

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил бошига	2013 йил бошига	фарқи (+;-)	ўзгариш суръати %
1	ЯҲМ	млн. сўм	415075,9	583696,1	168620,2	140,6
2	Жами хизматлар	млн.сўм	65079,6	103785,0	38705,4	159,5
3	ЯҲМда хизматлар улуши,	%	15,7	17,8	2,1	113,4

Манба: Тайлоқ тумани Паспорти 2013 йил маълумотлари асосида ҳисобланди

Умуман олганда Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси йилдан йилга ривожланиб, ўсиб бормоқда бу эса ўз навбатида Республика иқтисодиётининг ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу борада Тайлоқ туманида хизматлар соҳасининг ҳолати хусусида айрим далилларни келтиришни лозим топдик (7-8-жадвал).

Келтирилган маълумотлар асосида шуни таъкидлаш жоизки, Республикамиз иқтисодиётида бўлгани каби Тайлоқ туманида ҳам хизматлар соҳасини устувор даражада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, туман иқтисодиётида хизматлар кўрсатиш сифатлари яхшиланиб бу соҳанинг ўсиш тенденциялари кузатилмоқда. Тайлоқ тумани ЯХМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 2,1 пунктга ёки 13,4 фоизга кўпайган. Бу эса ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган стратегияларнинг меваси ҳисобланади.

Келтирилган 8-жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки 2013-йил бошида 2012-йил бошига нисбатан барча хизматлар ҳажми ўсиш тенденциясига эга. Энг юқори ўсиш кўрсаткичлари алоқа ва ахборотлаштириш (4 марта), қурилиш (3 марта), савдо ва умумий овқатланиш (1,3 марта) хизматларига тўғри келади.

Тайлоқ туманида хизматлар таркибида транспорт хизматларининг улуши 2013 йилда 21,6 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич эса 2012 йилга нисбатан 5,6 банд (21,6-27,2)га камайганлигини кўрсатади. Тайлоқ туманида транспорт хизмати кўрсатиш соҳасининг улуши камлигини туман аҳолисида шахсий енгил автомашиналар билан таъминланганлик даражаси нисбатан юқорилиги сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Статистик маълумотларга таянадиган бўлсак, Самарқанд вилояти аҳолисига 2011 йилда 8792 та²⁸, 2012 йилда эса 10553 та²⁹ енгил автомашналар сотилган бўлиб, жами икки йилда 19345 та енгил автомашина харид қилинган.

²⁸ Торговля в Узбекистане (статистический сборник).—Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2012, 33 стр.

²⁹ Торговля в Узбекистане (статистический сборник).—Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2013, 33 стр.

8-жадвал

Тайлоқ туманида хизматлар таркибининг ўзгариши таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўл чов бир лиги	2012 йил бошига	Улу ши, %	2013 йил бошига	Улу ши, %	Фарқи (+,-)	
						Сум маси	Улу ши
Жами хизматлар	млн. сўм	65079,6	100,0	103784,4	100,0	38704,8	х
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	115,8	-	129,8	-	14	-
Савдо ва умумий овқатланиш	млн. сўм	23390,2	35,9	34827,1	33,6	11436,9	-2,4
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	112,3	-	132,0		19,7	
Транспорт хизматлари	млн. сўм	17672,6	27,2	22450,0	21,6	4777,4	-5,5
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	117,7	-	120,1	-	2,4	-
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	млн. сўм	658,9	1,0	1619,6	1,6	960,7	0,5
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	107,1	-	406,8	-	299,7	-
Молия хизмати	млн. сўм	1648,3	2,5	1940,7	1,9	292,4	-0,7
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	118,9	-	103,6	-	-15,3	-
Маиший хизмат курсатиш	млн. сўм	3628,1	5,6	4842,8	4,7	1214,7	-0,9
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	109,7	-	102,2	-	-7,5	-
Қурилиш хизмати	млн. сўм	10159,9	15,6	3402,5	3,3	-6757,4	-12,3
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	198,5	-	298,6	-	100,1	-
Бошқа хизматлар	млн. сўм	7921,6	12,2	34562,3	33,4	26640,7	21,2
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	118,7	-	129,5	-	10,8	-
Аҳоли жон бошига	минг сўм	389,9	-	611,6	-	221,7	-

Манба: Тайлоқ тумани Паспорти 2013 йил маълумотлари асосида ҳисобланди

Самарқанд вилояти ва туманларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш учун юқорида келтирилган дастурдаги тадбирлар асос бўлиб қолади. Чунки, бугунги эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, белгиланган тадбирлар ушбу соҳани ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

2.2. Тайлоқ туманида хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида меҳнат ресурслари ҳолати таҳлили

Мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий таракқиётини таъминлаш вазифаларидан бири бу – меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишдир. Ўзбекистонда мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланиш иқтисодийни диверсификациялаш ва замонавий иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини модернизациялаш билан боғлиқ ҳозирги даврда, умуман, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун мавжуд меҳнат ресурсларини такрор ҳосил қилиш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш керак.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат ресурсларини таҳлил қилишнинг асосий мақсади пировард натижаларга эришиш самарадорлигини таъмирлашда истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва меҳнат ресурсларини (ҳодимларни) бошқаришни таъкомиллаштиришдан иборат.

Тайлоқ шаҳарчасида жойлашган “Ташкилий Файз савдо” МЧЖда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

“Ташкилий Файз савдо” МЧЖда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили (минг сўм).

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1. Сотилган маҳсулот ҳажми	4078921	4654775,1	575854,1	114,1
2. Соф фойда	66385	85768	19383	129,2
3. Меҳнат ресурслари ўртача йиллик сони, киши	22	20	-2	90,9
4. Меҳнат унумдорлиги, (1к : 3к)	185405,5	232738,8	47333,3	125,5
5. Меҳнат ресурсларининг фойдалилиги, (2к : 3к)	3017,5	4288,4	1270,9	142,1

Манба: “Ташкилий Файз савдо” МЧЖ маълумотлари асосида ҳисобланди

Юқоридаги 9-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада 2013 йилда соф фойданинг 19383,0 минг сўмга ва 2012 йилга нисбатан 29,2 фоизга ортиши ҳамда ходимлар сонининг 2 кишига камайиши натижасида, корхонадаги ҳар бир ходимга тўғри келадиган соф фойда суммаси 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 1270,9 минг сўмга ёки 42,1 фоизга ортган. Бу ижобий ҳолатдир. Худди шундай ўсиш ҳажми меҳнат унумдорлигида ҳам кузатилди, яъни маҳсулот сотиш ҳажмининг 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 575854,1 минг сўм кўпайганлиги эвазига ва корхонадаги меҳнат ресурслари сонининг 2 кишига камайганлиги туфайли, 2012 йилга нисбатан 2013 йилда корхонада меҳнат унумдорлиги, яъни бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот ҳажми 47333,3 минг сўм (232738,8-185405,5) га ёки ўтган йилга нисбатан ҳисобот йилида 25,5 фоизга ортган. Бу ҳам албатта ижобий ҳолатдир. Меҳнат унумдорлигига таҳлил қилишдан асосий мақсад меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятини аниқлаш ва шу йўналишда ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларни ишлаб чиқиб амалга оширишдан иборат.

Меҳнат унумдорлиги ривожланиб боровчи кўрсаткичдир. Шунинг учун меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш жараёнида унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаларини ва шарт-шароитларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. “Ташкилий Файз савдо” МЧЖда меҳнат унумдорлигини оширишда ички омиллар билан бир қаторда ташқи ижтимоий-иқтисодий омиллар катта таъсир кўрсатади. Хусусан, хизмат бозорида савдо корхоналарининг сони, жойлашган ўрни, аҳолининг савдо хизматларига бўлган талаби, кўрсатиладиган хизматларни истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжларига тўлиқ мос келиши каби омиллар таъсир кўрсатади.

Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларни иқтисодий таҳлилнинг қайта ҳисоблаш усулидан фойдаланиб аниқлашга ҳаракат қиламиз. Бу усул натижага битта ёки иккита омил таъсир қилган пайтларда

кўлланилиши қулай. Унинг моҳияти режадаги натижани биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинисидан иборатдир (10-жадвал).

10-жадвал

“Ташкилий Файз савдо” МЧЖда меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили (минг сўм).

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1. Сотилган маҳсулот ҳажми	4078921	4654775,1	575854,1	114,1
2. Меҳнат ресурслари ўртача йиллик сони, киши	22	20	-2	90,9
3. Меҳнат унумдорлиги, (1қ : 3қ)	185405,5	232738,8	47333,3	125,5

Манба: “Ташкилий Файз савдо” МЧЖ маълумотлари асосида ҳисобланди

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, меҳнат унумдорлиги 2013 йилда 47333,3 минг сўмга ёки 25,5 фоизга ошган. Бунга икки омил таъсир қилган. Уларнинг таъсирини аниқлаш учун қайта ҳисоблаш усулидан фойдаланилади. Қайта ҳисобланган меҳнат унумдорлигини аниқлаш учун эса маҳсулот ҳажмининг ҳақиқий миқдорини (2013 йилдаги) ходимлар сонининг 2012 йилгаи миқдорига бўлинади:

$$4654775,1 : 22 = 211580,7 \text{ минг сўм.}$$

Энди меҳнат унумдорлиги ўзгаришига маҳсулот ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш мумкин. Бизнинг таҳлилимизда маҳсулот ҳажмининг 575854,1 минг сўмга ортганлиги меҳнат унумдорлиги миқдорини 26175,2 минг сўмга кўпайтирди:

$$211580,7 - 185405,5 = + 26175,2 \text{ минг сўм.}$$

Ходимлар сонининг 2 кишига камайиши эса меҳнат унумдорлигини 21158,1 минг сўмга кўпайтирди:

$$232738,8 - 211580,7 = + 21158,1 \text{ минг сўм.}$$

Ана шу икки омилнинг таъсири натижа ўзгариши умумий фарқига тенг:

$$26175,2 + 21158,1 = + 47333,3 \text{ минг сўм.}$$

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, корхона меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига маҳсулот сотишдан тушган тушум ҳажми ортиши ижобий таъсир кўрсатган бўлиб, келгусида ҳам маҳсулот сотишдан тушган тушум ҳажмини ошириб боришдан корхона манфаатдор бўлади.

Бугунги кунда Тайлоқ шаҳрида жойлашган “Ташкилий Файз савдо” МЧЖ меҳнат унумдорлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган асосий омиллардан бири бу рақобатчиларнинг пайдо бўлиши ва корхонанинг бозордаги улушига таҳдид солишидир.

Маълумки, ҳар бир корхона асосий ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишда банд бўлганларнинг раҳбар, мутахассис-ҳодимларга нисбатан ўсиб бориши ижобий ҳолат ҳисобланади. Шунингдек корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳақиқий меҳнат натижаларига боғлиқ равишда амалга оширилиши хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишига имконият ва шарт-шароит яратади (11-жадвал).

11-жадвал

“Ташкилий Файз савдо” МЧЖда ишловчилар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1	Ишловчилар сони:	22	20	-2	90,9
	улардан,				
	а) раҳбарлар ва мутахассислар	9	8	-1	88,8
	б) ишчилар	13	12	-1	92,3
2	Иш ҳақи фонди, (минг сўм)	115613,0	118002,2	2389,2	102,1
3	Ўртача иш ҳақи(минг сўм)	5255,1	5900,1	645,0	112,3

Манба: “Ташкилий Файз савдо” МЧЖ маълумотлари асосида ҳисобланди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Ташкилий Файз савдо” МЧЖда ҳодимлар сони 2 кишига камайган бўлсада, иш ҳақи фонди 2013 йилда 118002,2 минг сўмни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 2389,2 минг сўмга ва 2,1 фоизга ўсган. Таҳлил этилаётган корхонада ўртача иш ҳақининг ўсиш суръати ўсиш тенденциясига эга бўлиб

2012 йилда 5255,1 минг сўмни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2013 йилда 5900,1 минг сўмга етган ва 12,3 фоизга ошган.

Умуман олганда “Ташкилий Файз савдо” МЧЖда меҳнат ресурслари самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичларини таҳлили натижасида ижобий ҳолатни кузатдик. Корхонада меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бизнинг малакавий амалиёт ишимизнинг асосий мақсади ҳисобланади. Олиб борилган таҳлилларимиз натижасида бизлар корхонада меҳнат ресурсларининг барча кўрсаткичлари яхши ҳолатда эканлигига гувоҳ бўлдик. Сабаби ҳеч бир корхона меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш эвазига меҳнат унумдорлигига эришиш ва натижада ҳар бир корхонанинг асосий мақсадларидан бири бўлган фойдани кўпайтиришга қарши эмас, аксинча корхоналар бундан манфаатдор бўлади.

3-БОБ. Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари

3.1. Хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш йўллари

Меҳнат унумдорлигининг рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришда хизмат кўрсатиш корхоналари уч асосий компонентларга (омилларга) таяниши лозим: ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатларида меҳнатни рағбатлантириш тажрибаси; республикамизда меҳнатни рағбатлантиришнинг муайян даражада шаклланган тизими; ёлланма ходимнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳамда мамлакатимизда унинг трансформациялашувининг хусусиятлари ва истиқболларини белгиловчи ижтимоий-меҳнат муносабатлари ривожланишининг таҳлили.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий меҳнат муносабатлари куйидаги омиллар таъсирида шаклланади: ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик, иш билан бандлик кафолатининг мавжуд эмаслиги, меҳнат бозори шаклланиши ва меҳнат фаолиятини янгича ижтимоий баҳолаш ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий меҳнат муносабатлари тизимидаги деформациялашув жараёни ўзига хос хусусиятга эгаллиги объектив ҳолатдир.

Барча корхоналар сингари хизмат кўрсатиш корхоналарининг меҳнат жамоаларида ижтимоий тенглик тамойили тўлиқ чекланади. Мазкур тамойил ўрнига “тенг меҳнатга тенг ҳақ тўлаш” тамойилига асосланган мақбул муносабат амал қилади. Бу муносабатнинг мақбуллиги иш берувчи ва ёлланма ишчининг розилиги билан белгиланади ва кўпинча бошқа томоннинг розилиги асосида томонлардан бирининг ташаббускориги бўйича ўзгариши мумкин. Ушбу муносабатлар иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш тизими орқали намоён бўлади. Давлат бу муносабатларни қонуний асосда минимал иш ҳақи миқдори орқали тартибга солиб туради. Ёлланма ходимлар

ва иш берувчиларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари конунлар мажмуасида акс этади, яъни меҳнат муносабатлари контрактлар ва меҳнат шартномалари асосида тартибга солинади, лекин унинг бўлимлари мазкур тамойилнинг талабларини акс эттирмайди. Ижтимоий ҳимоялаш тамойиллари жамоа шартномалари ва касаба уюшмалари фаолияти орқали таъминланади.

Ёлланма ходимларни хизмат кўрсатиш корхоналарини бошқаришдаги ҳамкорлиги турли ташкилий шаклларда таъминланиши мумкин. Конкрет шаклларида катъий назар, уларнинг мақсади битта – манфаатдорлик туйғусини амалга ошириш орқали ҳамкор томонларнинг бир-бирига ишончини амалга ошириш ва мазкур омил орқали меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобланади.

Моддий рағбатлантириш бўйича тўловлар ҳажми жонли меҳнат самарадорлиги билан белгилаб берилади, қайсики ёлланма ходимни сидқидилдан меҳнат қилишга, иш берувчини эса бажарувчи ходим имкониятларини тўлиқ намоён этиш учун зарур имконият яратишга ундайди. Бундаги қўшимча харажатлар эса тезда ўзини қоплайди ва мулк эгаси даромадининг ошиши ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг асоси ҳисобланади.

Республикада иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнида янгича ижтимоий меҳнат муносабатларининг шаклланиши меҳнат шароитлари сифатига талабни оширади ва моддий талаблар биринчи ўринга чиқади. Бир вақтнинг ўзида ёлланма ходим учун, айниқса, ёши катта гуруҳларда аввалги меҳнат фаолиятлари учун рағбатлантиришга талаб ошади.

Ҳозирги шароитда меҳнат фаолиятининг асосий мотивацион жараёнларини ҳисобга олган ҳолда, меҳнатни рағбатлантиришнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш учун турли тоифаларнинг талабларини таҳлил этиш асосида ёлланма ходимнинг меҳнатга муносабат моделини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, олимлар томонидан амалда тадбиқ этилган меҳнатга муносабат мотивацион назарияси

турли график моделлардан иборат бўлиб, унда кузатилаётган омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва йўналишни аниқлаш имконини таъминлаган.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат жамоаси мотивацияси бўйича комплекс ёндашув ва теран асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш учун бозор муносабатлари ривожланиши шароитида меҳнат фаолияти мотивацияси соҳасида давлатнинг ижтимоий сиёсат постулатларини киритиш зарур.

Меҳнат фаолияти жараёнида меҳнатни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш учун турли даражадаги эҳтиёжларни таҳлил қилиш асосида ёлланма ишчининг меҳнат соҳасидаги хулқ-атворининг мақсадга мувофиқ моделини ишлаб чиқиш зарур.

Ҳозирги кунда республикамизда хизмат кўрсатиш корхоналарининг ишчи-ходимларларини моддий рағбатлантириш амалиётларининг таҳлили меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини белгилаб олишга имкон беради:

1. Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизими кўйидаги мақсадларга эришишга қаратилиши лозим:

- ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун моддий шароитларни яратиш (меҳнатга ҳақ тўлашнинг такрор ишлаб чиқариш функцияси);
- самарали меҳнатни рағбатлантириш (рағбатлантирувчи функция);
- корхонада самарали иш олиб борувчи ишчи-ходимларни сақлаш (барқарорлаштириш функцияси).

Бугунги кунда ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи даражаси яшаш минимуми даражасига мувофиқ ўрнатилиши зарур. Ишчи кучи баҳосининг иш ҳақи миқдориغا нисбатан камайиши реал иш ҳақи даражасининг пасайишига олиб келади. Бунинг натижаси улароқ корхонада меҳнат натижаларига бўлган қизиқишни пасайишига олиб келади. Энг кам иш ҳақи миқдори физиологик яшаш минимуми даражасидан кам бўлмаслиги керак. Шу сабабли меҳнатни рағбатлантириш тизимини шакллантиришда минимал иш ҳақини яшаш минимумидан юқори қилиб белгилаш лозим. Акс

ҳолда ҳеч қайси рағбатлантириш усуллар меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи ва барқарорлаштирувчи функцияларини тикламайди.

2. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини шакллантиришда жамият урф-одатлари, менталитет ва халқнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Ушбу хусусиятлар ёлланма ишчиларнинг хоҳишлари, меҳнат салоҳияти ва унумдорлигидан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлашнинг индивидуаллашуви жорий этилган ҳолда, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг умумий чизмасида ҳисобга олиниши лозим.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда олдиндан қўлланилиб келган меҳнатни рағбатлантириш усулларини, хусусан, корхона фаолиятига боғлиқлигини исботлаш мақсадида мукофотлашни жорий этиш, меҳнат унумдорлиги ва иш малакасига кўра иш ҳақиға қўшимчалар, инновацион ғояларға рағбатлантириш, рационализаторлик фаолиятлари, ўз мавқеиға биноан корхона бошқарувида ҳиссасини қўшиш ва бошқаларни қўллашни назарда тутлади.

3. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини шакллантиришнинг асоси бўлиб, корхона тариф тизими бўлиши керак. Тариф сеткаси диапазонини белгилашда корхонанинг иқтисодий ҳолати, меҳнатнинг оғирлиги, корхонадаги ва унинг атрофидаги ижтимоий-психологик ва ижтимоий-иқтисодий омиллари ҳисобга олиниши лозим. Корхонада меҳнат ҳақи даражалари ўртасидаги фарқни камайтиришни бошқарув персоналининг иш ҳақини камайтириш, ишчиларни ойлигини сақлаб туриш лозим.

4. Ёлланма ишчининг моддий рағбатлантириш тузилмаси ишчи кучини такрор ҳосил бўлишини таъминловчи ўзгармас қисмға, корхона фаолиятининг, унинг бўлимлари, аниқ бир ишчи, фаолияти натижаларига боғлиқ бўладиган ўзгарувчан қисмдан иборат бўлиши лозим. Ҳар хил бўлимларда, бир хил фаолият олиб борувчи, бир хил оғирликдаги меҳнат қилувчи ишчиларнинг меҳнат ҳақи уларнинг малакаларидан келиб чиққан ҳолда тенг бўлиши лозим. Бир категориядаги ишчиларнинг меҳнат ҳақи

кескин фарқ қилиши мумкин, шу ўринда таъкидлаш лозимки, корхонада ишчиларнинг билими, малакаси фарқланиши учун бир неча асосий ставкалар белгиланиши лозим.

Ижтимоий дастурларга кўра ўз ишчи-ходимларига тақдим этиладиган ижтимоий имтиёзлар ҳам барқарорлаштирувчи функцияни бажаради. Шунини таъкидлаш лозимки, ушбу имтиёзлар фақатгина бажариладиган меҳнатнинг хажмига боғлиқдир ва улар такрор ишлаб чиқарувчи функцияни бажаради. Асосий иш ҳақиға қўшимча сифатида имтиёзлар катта аҳамиятга эға. Ижтимоий имтиёзлар бир даражадаги барча ишчиларға бир хил белгиланади. Ғарб давлатларида эгилувчан имтиёзлар тизими амал қилади, ишчилар ўзлари белгиланган миқдорда имтиёзларни танлаши мумкин. Умуман олганда эгилувчан ижтимоий тўловлар дастури ишчиларнинг корхона фаолиятиға кўпроқ жалб этади.

Мамлакатимизда ижтимоий хизматлар аҳолиға марказлашган ҳолда давлат томонидан, соҳалар бўйича – касаба уюшмалари ва иқтисодиётнинг реал секторида корхоналарнинг ижтимоий ривожлантириш дастурларига кўра тақдим этилган. Бугунги кунға келиб корхонанинг ижтимоий соҳасида кўпгина ўзгаришлар рўй берди, касаба уюшмалари томонидан тақдим этиладиган ижтимоий соҳа умуман йўқ бўлди, давлат ижтимоий хизматлари соҳасининг емирилиши рўй бермоқда. Бу эса корхоналарда ижтимоий тўловлар муаммосини кескинлаштирмоқда. Албатта ҳукумат солиқ имтиёзлари, ҳукуқий нормалар ва шу кабилар билан корхоналарда янги ижтимоий тўловлар тизимини шакллантиришға хизмат қилиши лозим.

5. Меҳнатға ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашда корхоналарда тизимни самарали иш олиб боришиға туртки бўлувчи ташкилий ва ижтимоий-психологик муҳитни шакллантиришға асосий эътиборни қаратиш лозим.

Меҳнатни рағбатлантириш тизимининг асосий элементи сифатида унинг қуйи тизими сифат назорати бўлиши мумкин. Амалиётда қўлланилувчи меҳнат фаолиятини рағбатлантириш тизимлари харажатлар ва

натижаларни таққослашга асосланади. Ушбу кўрсаткичлар рўйхати кенгқамровлидир, кўрсаткичларни таҳлили бошқарувчига тизимни самарали фаолият олиб бориши учун қарорларни қабул қилишга етарлича маълумотлар билан таъминлайди.

Харажатлар самарадорлигини назорат этишнинг қуйи тизими аниқ танланган кунда корхона фаолиятида эришилган иқтисодий кўрсаткичларига асосланади.

Мавжуд назорат тизимининг рағбатлантиришга қаратилган харажатлар самарасининг муҳим камчилиги бўлиб натижаларга нисбатнинг кечикиб олиниши ва уларнинг нисбати тўғрисидаги маълумотнинг эски кўрсаткичлари ишлатилишидадир. Кечикишнинг салбий таъсирини тезкор таҳлилни қўллаган ҳолда, натижаларни қайд этишнинг оралиғини қисқартирган ҳолда камайтириш мумкин.

Анъанавий назорат тизимини такомиллаштириш учун бизнинг мисолимизда, муаллиф иштирокида, қўлланилаётган рағбатларнинг нафақат иқтисодий балки психологик натижаларни баҳолашга асосланган ишчиларни рағбатлантиришга харажатлар самарадорлигини назорат қилиш қуйи тизими ишлаб чиқилмоқда ва қўлланишга тайёрланмоқда.

Юқорида келтирилган хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ва тамойилларга амал қилиш меҳнатдан фойдаланиш самарадорлигини оширишда асосий омил ва восита бўлиб ҳисобланади.

3.2. Хизмат кўрсатиш корхоналарида маънавий рағбатлантиришни ташкил қилишни муаммолари ва ечимлари

Савдо соҳасида меҳнатни рағбатлантиришнинг ўзига хос томони хизмат мавқеини режалаштириш ва амалга ошириш кабилар. Бу савдо корхоналарининг жамоаси, одатда, кам сонли, раҳбар лавозимлари кўп бўлмаслиги билан боғлиқ. Бир савдо фирмасидан бошқасига ўтавериб, касбий хизмат мавқеида кутарилиш мушкул, ҳамма жойда сотувчилар,

товаршунослар, ҳисобчилар ишлашади, барча ходимлар лавозими бўйича деярли бир хил поғонада. Фирма ичидаги ўсиш ҳам кийин масала, чунки уч йўналиш: вертикал, горизонтал, ичкарига ҳаракатга эса саноат соҳасидан фарқли улароқ, савдо корхоналаридан хизмат поғонасидаги юқорига ва горизонтал бўйлаб ҳаракат чекланган. Шу сабабли ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ва кадрлар кетиб қолишини камайтириш учун хизмат поғонасидан кўтармасдан асосий маошни ошириш услубини қўллаш лозим. Меҳнатни рағбатлантириш тизимларини ишлаб чиқишда савдодаги меҳнат ўзига ҳосликларини, савдо ходимларини рағбатлантириш механизми хусусиятларини эътиборга олиб, қўйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

- муқофотлаш ва маънавий рағбатлантиришни анча тезкор амалга ошириб, ходим учун унинг қўшимча ҳиссаси ва маъмурият томонидан олинган эътироф ўртасида боғлиқликни йўқотмаслик зарур;

- хатти-ҳаракатиларни эмас, ишнинг натижаларини ва асосан даромадда акс этадиганларини рағбатлантириш;

- ходим ўз масъулияти соҳасида эришганига кўра тўлаш;

- савдо корхонасининг ишлари яхши кетаётганида кўпроқ рағбатлантириб, натижалар етарлича юқори бўлмаганда ҳақли камайтириш;

- керакли ходимларни сақлаб туриш учун ижтимоий дастурларни, ўқитиш дастурларини молиялаштириш ва ҳоказо;

- моддий муқофотлашни ходим учун маъқул ва мазкур шаклда амалга ошириш.

Рақобатчилик курашининг замонавий кескин шароитида ушбу умумий ҳолатларнинг аниқ амалга оширилиши биринчи навбатда, муқофотлаш тизимларини ишлаб чиқиш йўналишдан бориши лозим бўлиб. Улар савдо корхонаси ходимларини юқори самараш меҳнатга жалб этиши ҳамда рағбатлантириши керак. Меҳнат натижаларига кўра ҳақ тўлаш аввало ходим меҳнатини тезкор ва холис баҳолашга имконни кузда тутди.

Натижалар бўйича меҳнатни рағбатлантиришни муваффақиятли қўллашнинг шартлари қўйидагилар:

- Ҳар бир ходимнинг ҳиссасини баҳолашга имкон яратувчи раҳбариятнинг ходимлар билан тез-тез ва мунтазам алоқалари;
- Лавозимларни туғри таснифлаш, ўлчаш (баҳолаш тизими орқали); ҳақ тўлашнинг умумий тамойилларини қўллаш;
- Бир тоифа лавозимлар учун умумий ёндашув (ҳақ тўлаш, муқофотлаш ва бошқалар масаласида). Бунда маошга қўшимча юқори даражадаги ижтироқи қўллаб-қувватлаш учун кўзда тутилса, жуда юксак ижро, ўта фаоллик махсус муқофотлар билан рағбатлантирилиши лозим;
- Бошқарувчи ва ходим ўртасида охири нима қилиниши (натижалар масаласида), нимаси юксак ютуқ ҳисоблаш мумкинлиги муносабатидаги норасмий руҳий алоқаси (рози-ризолик).

Ходимни самарали меҳнатга максимал даражада рағбатлантиришга қодир бўлган. Пуллик муқофотлаш шакли муҳим муаммодир. Олимлар ва амалиётчи мутахассислар тариф тизимига асосланган асосий ойлик маош савдо корхонаси ходимларини меҳнат унумдорлигини оширишга тула даъват этмайди деган фикрга мойил. Ўзгарувчан ҳақ тўлашлар энг катта даражада мана шу хусусиятга эга. Рағбатлантириш тизимларини шакллантиришда иқтисодиётнинг умумий ҳолати, ҳукуматнинг хатти-ҳаракатлари, материаллар, энергия ўқи меҳнат бозорининг кескин қисқариб кетиши, халқаро воқеалар каби бошқариб бўлмайдиган тасодиқий кўплаб ходисаларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Ушбу ходисалар ҳам оддий ходимларнинг ҳам савдо компаниялари раҳбариятининг самарали ишига қарама-қарши савдо корхонаси даромадини анча камайтириб юбориши мумкин. Компания раҳбарияти бир хил лавозимдаги кишилар меҳнатининг индивидуал натижаларидаги фарқларни ҳисобга олишади. Шу сабабли савдо ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизими нафақат уни баҳолаш балки аттестациялаш олға юрғизиш жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиши ҳам зарур. Савдо корхонаси ходимларини рағбатлантириш ва меҳнатга қўйишда

алоҳида услубларни эмас, рағбатлантириш механизмлари унсурлари мажмуидан фойдаланиш зарур. Шу билан бирга ходимларни рағбатлантириш тизимларини ишлаб чиқишни ҳар бир савдо компанияси ўзига хосликларига боғлиқ ҳолда индивидуал амалга ошириши лозим. Рағбатлантириш тизимларини такомиллаштириш ва ходимларни рағбатини асослашни ошириш бўйича тадбирлар ўтказилгач, жорий этилаётган ўзгаришлар вазиятни яхшиланаётгани, аксинча ёмонлаштираётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун ходим ишининг натижаларидаги ўзгаришларни таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу тарзда савдо соҳасидаги меҳнатнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиб, савдо ходимлари меҳнатига рағбат механизми структурасини алоҳида ажратиш мумкин. Схематик жиҳатдан рағбатлантириш механизмининг воситалар йиғиндисини сифатида тасаввур қилиб, унинг ёрдамида меҳнатга муносабат, меҳнатнинг унумдорлиги, самарадорлигини оширишдан манфаатдорлик шаклланади.

Савдо ходимларини муқофотлаш механизми ўзаро боғлиқ тўрт гуруҳ унсурлардан иборат бўлиши лозим. Меҳнатга рағбатлантиришнинг барча маълум унсурлари (иқтисодий, ижтимоий-руҳий, ташкилий ва моддий-техник) савдонинг ўзига хослигига кўра ўзининг хос воситаларига эгадир. Иқтисодий томонидан бундай воситалар ойлик маошнинг асосий ва қўшимча қисмлари, индивидуал ҳамда жамоавий ишнинг натижалари бўйича муқофотлаш кабилар бўлиши лозим.

Рағбатлантириш механизмнинг ижтимоий-руҳий (маънавий) унсурлари меҳнат фаолияти иштирокчилари орасидаги ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари билан белгиланади ва иш берувчи ҳамда ишчи орасида сифат жиҳатидан янги даражада муносабатлар қўриш имконини яратади, бу эса ҳам яқка тартибдаги, ҳам жамоавий меҳнатдаги янада юқори натижаларга эришишга қўмақлашади.

Савдо корхоналари орасида рақобатнинг кучайиши савдо кадриятларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш самарадорлиги, савдо – технологик жараёнларни оператив ва стратегик бошқаришни яхшилаш муаммоларини қўяди. Ушбу муаммолар рағбатлантириш механизмининг ташкилий томони воситалари ёрдамида ҳал этилади. Моддий–техник блок унсурлари савдо ходимлари фаолияти унумдорлигини меҳнат ва ҳордиқнинг мақбул шароитини яратиш ёрдамида ошириш имконини тўғдиради.

1. Иқтисодий унсурлар: кафолатланган лавозимий маош, қўшимча ҳақ, киритилган маблағ ва акциялардан даромад муқофотлар.

2. Моддий-техник унсурлар:

- Замонавий савдо жиҳозлари
- Маҳсулотни амалга татбиқ этишнинг янги технологиялари.
- Жиҳозланган дам олиш хоналари
- Савдо ходимларини рағбатлантириш

3. Ташкилий унсурлар: шартнома тузиш, хизматда ўсиш, малака ошириш, бошқарувнинг мақбул тизими, харидорларга хизмат кўрсатилаётган хизматлар кенг тўплаш.

4. Ижтимоий–руҳий унсурлар: нафақа ва тиббий суғурталар, қўшимча таътиллар, овқатлантириш, пули тўланган ҳордиқ, ўй-жой сотиб олиш, ўқиш ва бошқалар бир вақтдаги моддий ёрдамлар, ижтимоий ҳамкорлик, мақбул ижтимоий-руҳий иқлим яратиш, фахрли унвонлар, ёрлиқлар, машғулотлар.

Меҳнатни моддий рағбатлантириш билан бирга маънавий рағбатлантириш ҳам мавжудки, бунинг таъсир кучи ҳам моддий рағбатлантиришдан кам эмас. Маънавий рағбатлантиришга қуйидагилар киради :

1. Моддий рағбатлантириш. Меҳнаткашни моддий рағбатлантириш билан бирга уни бевосита маънавий рағбатлантирилади, чунки унинг яхши ишлаётганлиги эътироф этилганлигини сезади.

2. Жамоа олдида яхши ишлаётганлигини қайд этиш, маъмурият буйруғи билан раҳматнома ва ташаккур эълон қилиш.

3. Фахрийлар тахтасига, китобига ёзиш, фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш .

4. Унвонлар бериш, шу соҳада хизмат кўрсатилганлигини қайд қилиш. Масалан, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи”, “Ойнинг энг яхши менежери” ёки “Йил сотувчиси” кабилар.

5. Ўзбекистон меҳнат қаҳрамони ва бошқа шунга ўхшаш орден ва медаллар билан тақдирлаш каби тадбирлар меҳнаткашларни маънавий рағбатлантиришга киради.

Рағбатлантириш савдо ходимлари фаолиятини белгилаб берувчи энг реал омилдир. Замонавий тадқиқотларда ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги шу билан изоҳланади. Рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш кучларни фаоллаштириш ва савдо корхонаси ходимларининг барча вазиятлардаги хатти-ҳаракатларини тараққий эттиришнинг зарурий шартидир.

3.3. Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари

«Барча ислохотларнинг — иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шaroитларини вужудга келтиришдан иборат»³⁰.

Юртбошимизнинг ана шу фикрларидан келиб чиқиб, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда, корхона ва муассаса, ташкилот, бирлашмаларда, қўйинки инсон меҳнат фаолиятини амалга ошираётган барча жойларда, унга муносиб иш шaroитларини яратиш, унинг соғлиги, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш биринчи галдаги вазифа бўлиб ҳисобланади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий, қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон

³⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йилида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995 й.. 119-бет.

Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва турли вазирликларнинг кўрсатмалари ва буйруқлари ташкил этади. Конституциянинг IX боби иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоясига қаратилган. 36-моддада «Ҳар бир шахс қонунда кўрсатилган тартибда меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, одилона шароитларда меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» дейилган ва унинг давомида «Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан (ҳарбий хизмат чоғида, фавқулодда ҳолат шароитида ва ҳ.к.) ташқари мажбурий меҳнат таққиланади» дейилган. Меҳнат Кодекси (1995 йил 21 декабр, №161-1), «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида Низом» (Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 6 июн, 286-қарор) ва турли давлат стандартлари ва кўрсатмалари асосида ҳуқуқий асоси яратилган. Корхоналарда ишчи ва хизматчилар ишининг хавфсизлик даражаси, шунингдек, хизмат малакаси ишчининг стажи, лавозимидан қатъий назар ишга қабул қилинганда белгиланган муддатларда техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар билан таништирилиб борилмоқда.

Корхонада «Электротехник мосламалар тузилиши ва улардан фойдаланиш қоидалари» (ПУЭ), «Портлашдан ҳимояланган электр усқуналарни танлаш қоидалари» (ПИБРЭ), босим остида қўлланадиган идишларнинг тузилиши ва хавфсизлиги қоидалари, ГОСТ 12.1.005-76 нинг «Иш зонаси ҳавоси», ГОСТ 12.1.007-76 га асосан заҳарли моддалар организмга таъсир кўрсатиш даражаси ва бошқа ҳужжатларга мувофиқ хўжалик фаолияти юритилмоқда.

Корхонада меҳнат шароити зарарли ва хавфли савдо ҳудудларида, яъни ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга белгилаган меъёрларда бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дизенфекциялаш воситалари, сут ёки унга

тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқатлар қисман бўлсада таъмин этиб борилмоқда.

Корхонада умумий, табиий ва маҳаллий шамоллатиш тизимлари бўйича аниқ чора тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга ошириб келинмоқда. Шовқинлар ГОСТ 12.1.003-76 га мувофиқ аслаҳалар сифатида вкладиш, наушниклар ва шлемлар мавжуд. ГОСТ 12.1.014-78 «Меҳнат хавфсизлиги стандартлар системаси титраш, хавфсизликнинг умумий талаблари» ва ГОСТ 12.1. 012-78 талабларидан келиб чиқиб, қисман титрашлар учун айрим стандарт (ГОСТ 17770-72 «Қўлда ишлатиладиган машиналар. Титрашнинг рухсат этиладиган даражаси»)).га мувофиқ амалий ишлар бажарилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда инсон ҳаётини худди сув, ҳаво каби зарурий элементлари сингари электр қувватисиз тасаввур этиб бўлмайди. Аммо ундан фойдалиш чоғида тартибсизлик ва эҳтиётсизлик натижасида турли хил кўнгилсиз ҳодисалар, ёнғин, куйиш, ҳаттоки инсонни ҳаётдан кўз юмишигача олиб келадиган бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши мумкин.

Корхонада «Электротехник мосламалар тузилиши қоидалари» (ПУЭ), «Портлашдан ҳимояланган электр ускуналарни танлаш қоидалари», электр жиҳоз ва қувватларидан фойдаланиш қоида ва йўриқномаларига амал қилиниб келинмоқда. Корхонада ёритиш талаблари ва меъёрларидан келиб чиқиб иш жойлари ва корхона ҳудуди етарли даражада ёритиш манбълари билан таъминланган.

Одамни ток уриш ҳолати ҳам тўрт даражада баҳоланади:

- I. – даражада одам хушини йўқотмайди, мускуллар қисқаради;
- II. – даражада мускуллар қисқаради, хушини йўқотади, лекин нафас олиши сақланиб, юрак ишлаб туради;
- III. – даражада нафас олиши, юрак фаолияти бузилади, хушини йўқотади;
- IV. – даражада ток уриш билан қон айланиши ва нафас олиш тўхтаб, клиник ўлим юз беради.

Ўзгарувчан ток (50 Гц да) ўзгармас токка нисбатан хавфли ҳисобланади. Хавфсиз ўзгарувчан ток кучи миқдори 10 мА, ўзгармас ток учун 50 мА қабул қилинган. Таъсир этадиган вақт эса 0,01 – 0,03 секундни ташкил этади, вақт ортиб бориши билан (0,2-1 с) юрак фаолияти ўзгаради.

Корхонада ёнғин хавфсизлиги ва уни ўчириш. Бахтсиз ҳодиса ва офатлардан бири бу ёнғин ҳисобланади. Ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакцияга *ёниш* дейилади. Ҳаводаги кислород миқдори 15%дан юқори бўлгандагина оксидловчи вазифасини бажара олади, ундан паст концентрацияда эса ёниш содир бўлмайди. Корхонанинг идора биноларида «Ёнғин хавфсизлиги қоидалари» ва ГОСТ 12.2.047-80 «Ўт ўчириш техникаси. Атама ва қоидалар»га амал қилингани ҳолда таъминланган. Ҳар бир ҳудудда, дўконларда ёнғин хавфсизлиги бўйича эвакуация чизмалари ва ўт ўчириш воситалари, кўпик билан тўлдирилган балончалар 50 га яқин, қум, челак, болта ва лопатка, лом кабилар билан таъмин этилган. Ушбу ўт ўчириш воситалар жамланмаси корхона бўйича 16 тани ташкил этади. Корхона ҳудудида 2 та ховуз ҳам мавжуд. Корхона раҳбари жавобгарлиги остида, бош инженер, бош энергетик, техника хавфсизлиги бўйича инженер, ҳар бир дўкон бошлиғи ва омбор мудирлари каби масъул шахслар жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

Шу ўринда ёнғин ўчириш воситалари ва йуллари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Карбонат агидрид газини ёнғин чиққан зонага йўналтириш натижасида у ердаги ҳавонинг таркибида кислород миқдорини камайтириш орқали ёнғин ўчирилади. Инерт **газлардан** азот ва аргон ёнғинни ўчиришда ишлатилади. Тутун газларда кислород миқдори ҳаводагидан бирмунча кам бўлиб, тахминан 18-19 %ни ташкил қилади. Бу газлар охиригача ёндирилса, ундаги кислород миқдорини 5-6 %гача тушириш мумкин. Ингибиторлар. Саллоидланган углеводлар ёниш реакциясига кимёвий сусайтиргич орқали таъсир кўрсатиб ёнғинни тўхтатади. Кукунли бирикмалар ёнаётган газлар, енгил алангаланувчан, ёнувчан суюқликлар, кучланиш остида бўлган электр

ускуналарини ўчиришда ишлатилади. Кўпик ёнаётган юзага тушгач, уни қоплаб олиб, кислород киришидан тўсади ва ажралиб чиқаётган суюқлик ёнаётган юзани совитади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахтсиз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Ёнғин барча корхоналар, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жихатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга - захарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнғинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойихалашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинadиган ёнғин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнғиннинг олдини олиш ва ундan огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнғин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнғин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Корхоналарда мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг

ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда куйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- 1)хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- 2)ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- 3)корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- 4)ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли концентратияси ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;
- 5)ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўшиш;
- 6)ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;
- 7)ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;
- 8)технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;
- 9)белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;
- 10)технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;
- 11)хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- 12)ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;
- 13)кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан бахоланиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун муҳим, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Бўлим бўйича хулоса шуки, савдо корхоналарида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги доирасида техника, электр ва ёнғин хавфсизлигининг барча меъёрий ҳуқуқий талабларига риоя этилган ҳолда амалий ишлар, чора ва тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий ишда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди ва илмий-амалий аҳамиятга молик бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Хизмат кўрсатиш соҳаси энг аввало, янги иш ўринларини очиш эвазига халқ фаровонлигини оширишга, хизмат турларини кўпайтириш орқали мамлакатнинг хизмат бозорини тўлдиришга, катта даромад олиш эвазига бир қисмини солиқ тариқасида тўлаш йўли билан Давлат бюджетининг даромадини кўпайтиришга олиб келиш билан белгиланади. Бундай муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш учун хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилиш ва узлуксиз такомиллаштириш лозим бўлади.

2. Меҳнат – инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондира оладиган ва ўзига керак бўладиган моддий ёки маънавий неъматлар (буюмлар, товар хизмат, фан, маданият, санъат асарлари ва ҳоказолар) ни ишлаб чиқиш бўйича онгли, мақсадли ва легитим (тақиқланмаган) фаолиятдир

3. Меҳнат ресурслари деганда меҳнатга қобилиятли ёшдаги (аёллар 16-55, эркеклар 16-60 ёшда) ишчилар сони тушунилади. Бу чегара қонун орқали белгиланган. Меҳнат ресурслари чегараланган, лекин ҳаётда ногиронлар, нафақахўрлар, ёш болалар меҳнат қобилиятидан (иш кучидан) фойдаланилади

4. “Меҳнатни ташкил қилиш” атамасидан айрим корхона ёки фирмага тадбиқан фойдаланилганда, уни кенг ва тор маънода талқин этиш мумкин. Кенг маънода меҳнатни, ишлаб чиқаришини ва бошқаришни ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларнинг барчасини англатади. Мазкур тушунчани ана шундай талқин қилиш тарафдорлари корхонада меҳнат фаолиятини ташкил қилишга уни яхлит бир бутун деб ёзишадилар. Тор маънода меҳнатни ташкил қилиш деганда жами меҳнатни ташкил қилиш, айти: меҳнатни тақсимлаш ва кооперациялаш, иш жойларини ташкил этиш, меҳнат усуллари, меҳнат шароитларини, меҳнат ва дам олиш тартибларини

оқилонлаштириш, меҳнатни меъёрлаш, ходимларни меъёрлаш ва малакаларини ошириш, моддий рағбатлантириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби бир қатор амалий тадбирлар мажмуаси тушунилади.

5. Тайлоқ тумани ЯХМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 2,1 пунктга ёки 13,4 фоизга кўпайган. Бу эса ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган стратегияларнинг меваси ҳисобланади. 2013-йил бошида 2012-йил бошига нисбатан барча хизматлар ҳажми ўсиш тенденциясига эга. Энг юқори ўсиш кўрсаткичлари алоқа ва ахборотлаштириш (4 марта), қурилиш (3 марта), савдо ва умумий овқатланиш (1,3 марта) хизматларига тўғри келади (8-жадвал).

6. “Ташкилий Файз савдо” МЧЖда 2013 йилда соф фойданинг 19383,0 минг сўмга ва 2012 йилга нисбатан 29,2 фоизга ортиши ҳамда ходимлар сонининг 2 кишига камайиши натижасида, корхонадаги ҳар бир ходимга тўғри келадиган соф фойда суммаси 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 1270,9 минг сўмга ёки 42,1 фоизга ортган. Бу ижобий ҳолатдир. Худди шундай ўсиш ҳажми меҳнат унумдорлигида ҳам кузатилди, яъни маҳсулот сотиш ҳажмининг 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 575854,1 минг сўм кўпайганлиги эвазига ва корхонадаги меҳнат ресурслари сонининг 2 кишига камайганлиги туфайли, 2012 йилга нисбатан 2013 йилда корхонада меҳнат унумдорлиги, яъни бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот ҳажми 47333,3 минг сўм (232738,8-185405,5) га ёки ўтган йилга нисбатан ҳисобот йилида 25,5 фоизга ортган. Бу ҳам албатта ижобий ҳолатдир (9-жадвал).

7. “Ташкилий Файз савдо” МЧЖда ходимлар сони 2 кишига камайган бўлсада, иш ҳақи фонди 2013 йилда 118002,2 минг сўмни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 2389,2 минг сўмга ва 2,1 фоизга ўсган. Таҳлил этилаётган корхонада ўртача иш ҳақининг ўсиш суръати ўсиш тенденциясига эга бўлиб 2012 йилда 5255,1 минг сўмни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2013 йилда 5900,1 минг сўмга етган ва 12,3 фоизга ошган (10-жадвал).

8. Ҳозирги кунда республикамизда хизмат кўрсатиш корхоналарининг ишчи-ходимларларини моддий рағбатлантириш амалиётларининг таҳлили меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини белгилаб олишга имкон беради:

8.1. Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизими кўйидаги мақсадларга эришишга қаратилиши лозим:

- ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун моддий шароитларни яратиш (меҳнатга ҳақ тўлашнинг такрор ишлаб чиқариш функцияси);
- самарали меҳнатни рағбатлантириш (рағбатлантирувчи функция);
- корхонада самарали иш олиб боровчи ишчи-ходимларни сақлаш (барқарорлаштириш функцияси).

8.2. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини шакллантиришда жамият урф-одатлари, менталитет ва халқнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

8.3. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини шакллантиришнинг асоси бўлиб, корхона тариф тизими бўлиши керак.

8.4. Ёлланма ишчининг моддий рағбатлантириш тузилмаси ишчи кучини такрор ҳосил бўлишини таъминловчи ўзгармас қисмга, корхона фаолиятининг, унинг бўлимлари, аниқ бир ишчи, фаолияти натижаларига боғлиқ бўладиган ўзгарувчан қисмдан иборат бўлиши лозим.

8.5. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашда корхоналарда тизимни самарали иш олиб боришига туртки бўлувчи ташкилий ва ижтимоий-психологик муҳитни шакллантиришга асосий эътиборни қаратиш лозим.

Рағбатлантириш савдо ходимлари фаолиятини белгилаб берувчи энг реал омилдир. Замонавий тадқиқотларда ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги шу билан изоҳланади. Рағбатлантириш механизмининг такомиллаштириш кучларни фаоллаштириш ва савдо корхонаси ходимларининг барча вазиятлардаги хатти-ҳаракатларини тараққий эттиришнинг зарурий шартидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.:Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.-Т.:Адолат, 2007.
3. Ўзбекистон Республикасининг Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Қонуни. (янги таҳрирда). -Т.: 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» 1999 йил 14 апрел Қонуни. Халқ сўзи. 1999 йил, 29 апрел
5. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 5 апрелдаги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2004 йил 9 январдаги Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2007 йил 6 апрел ПҚ-616-сон .
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда “2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли Қарори.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йилида. Т.: Ўзбекистон, 1995.
10. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йўли бўлади. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.
11. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар «Қорхона иқтисодиёти». Дарслик.- Т.: “Фан ва технологиялар”, 2013.
12. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. II нашр (қайта ишланган ва тўлдирилган) Т., «Иқтисодиёт ва молия», 2010.

13. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). - Т.: “Меҳнат”, 2004.
14. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Ходимларни бошқариш (дарслик). - Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2004.
15. Владимирова Л.П. Экономика труда (учебное пособие) -2е изд. перераб.-М.: Издательский дом “Дажков и К”, 2002.
16. Волгин Н.А., Гриценко Н.Н., Шарков Ф.И. Социальное государство (учебник). -М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К”, 2003.-С.415.
17. Генкин Б.М. Экономика и социология труда (учебник). -М.: Издательство “Норма”, 2003.
18. Зборовский Г.Е., Шуклина У.А. Социология образования (учебное пособие).- М.: Издательство “Гардарики”, 2005.
19. Островский А.В. Формирование рынка рабочей силы в КХР. –М.: РАН. Институт Дальнего Востока, 2003.
20. Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Меҳнат иқтисоди ва социологияси. Ўқув қўлланма. Самарқанд, 2002.
21. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. I-II қисм. Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001.
22. Радаев В.В. Экономическая социология (учебник). - М.: Издательский дом “ГУВШЭ” , 2005.
23. Рахимова Х. ва бошқалар. Меҳнатни муҳофаза қилиш. - Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
24. Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти (ўқув қўлланма). -Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси”, 2004.
25. <http://www.google.uz>
26. <http://www.ziynet.uz>